

## Боқий фикр

Дунёда Ватан сўзидан  
азиз ва юракка яқин  
калом топилмагани каби,  
Ватан ҳимоячиси  
бўлишдан ортиқ  
шон-шараф ҳам йўқдир.

Ислом КАРИМОВ



## Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2013-yil 5-yanvar, shanba № 2 (8547)

14-yanvar — Vatan himoyachilari kuni

# МАЛАКАЛИ ОФИЦЕР КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСКАНИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Куролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида замонавий курол-яроғ ва ҳарбий техникага эга миллий армиямиз шаклланди.



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Профессионал асосда ташкил этилган мазкур армия таркибини мустаҳкамлаш, замонавий ҳарбий билим ва кўникмаларга эга сержантлар ва юқори малакали офицер кадрларни тайёрлаш тизими такомиллаштирилди. Хусусан, мамлакатимизнинг ҳарбий округи ҳудудларида Куролли Кучларимиз учун кичик командирлар — сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил этилди. Шунингдек, мамлакатимизда мавжуд олий ҳарбий таълим муассасалари моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, улардаги таълим жараёнлари буғунги кун талаблари даражасида йўлга қўйилди.

Бу янгиланиш ва ўзгаришлар Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондон-муҳандислик билим юрти фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Мамлакатимиз Куролли Кучлари учун автомобиль бўлинмалари тактик кўмондон-муҳандислиги, артиллерия тактик кўмондонлиги, кимё қўшинлари тактик кўмондонлиги, фронт орти таъминоти тактик кўмондонлиги каби йўналишлар бўйича юқори салоҳиятли, профессионал офицер-кадрлар тайёрланаётган мазкур ўқув масканида таълим сифати ва самарадорлиги тобора ошмоқда.

— Мамлакатимиз Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош Кўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида ҳарбий соҳада амалга оширилган ислохотлар тўғрисида бугун ҳар томонлама мукамал Куролли Кучларимиз барпо этилди, — дейди ушбу билим юрти бошлигининг ўқув ва илмий ишлар бўйича ўринбосари, офицер Абдували Қамбаров. — Бундай армия сафларида бўлиш, ҳарбийлик касбини эгаллаб, Ватанимизга хизмат қилиш ҳар бир йигит учун нафақат конституцион бурч, балки том маънодаги шарафли ишга айланди. Шу боис кейинги йилларда таълим муассасамизда ўқиш истагида бўлган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

(Давоми 5-бетда.)

## ЯНГИ УЙ ВА ЯНГИ МАКТАБ

ўқитувчиларни янгича ишлашга руҳлантирмоқда

Янги йилни янги уйларда нишонлаган муаллимлар Маликobodнинг келажаги бугун ўзлари таълим-тарбия бераётган ёшлар кўлида эканини яхши билишади. Шунинг учун ҳам улар янгича шижоат билан бугун кечагидан унумлироқ ишлашга қатъий бел боғлашган.

3 &gt;

## ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТДА ТАРТИБОТ

Ал-Хоразмийнинг жаҳондаги насаби "Алгоритм" атамаси ҳам шубҳа қилинмайдиган "тўғри тартибот" деган маънони беради. Жаҳонда Ал-Хоразмий номи аксиома даражасига кўтарилган. Мабодо бирор масала юзасидан мунозара бўлса, инглиз, немис, француз ва бошқа ривожланган миллат вакиллари муаммага ечим топиш учун "Нега биз бу ҳақда баҳслашимиз керак, ахир, бу алгоритм-ку?" деб қўя қоладилар ва беихтиёр Ал-Хоразмий номини зикр этадилар.

8-9 &gt;

## Yangi rukn: Mo'jiza qatidagi mo'jiza ҚАЛБ КЎЗИ ҲАҚИДА СЎЗ

Биз юқорида тилга олганимиздек айнан руҳият, маънавият, маданият, дунёни тушуниш ва англаш — камолот тарбиясининг энг моҳир мураббийси САНЪАТ-ДИР! Лекин ўғил-қизларимиз унинг сабоқларини ўқимоғи ва ўқмоғи учун аввали биз катталар САНЪАТ-нинг қувватини англай билмоғимиз, болаларимизнинг ҳижжалаб ўрганишига кўмаклашмоғимиз даркор.


11 &gt;

## БАҲСЛАР ҚИЗГИН БОШЛАВДИ

Умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида деярли барча фанлардан билимлар беллашувини ўтказиш хайрли анъанага айланди. Ушбу беллашувда ўз билимини синовдан ўтказиш, мавзуларни пухта ўзлаштириб, ғолибликни қўлга киритиш иштиёқидаги ўғил-қизлар сони йилдан-йилга ортмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

### Bilimlar bellashuvi



**Мамлакатимизда санъатнинг барча турлари қатори musiqa санъатини кенг ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни юксак маънавиятли, баркамол инсонлар этиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.**

### Qaror va ijro

Бу борада Фарғона вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида вилоят ёшлари мамлакатимизда ўтказилаётган турли кўрик-танлов ва фестивалларда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

## АСОСИЙ МАҚСАД — ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар musiqa ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янада юқори босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

— Юртимизда ёш авлод истеъдодини камол топтириш учун барча имкониятлар яратилган, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Зикрилло Тешабоев. — Айниқса, миллий ва замонавий меъморчилик талаблари асосида қурилаётган болалар musiqa ва санъат мактаблари бугун барчанинг ҳавасини келтирмоқда.

Бугунги кунда вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфида 29 болалар musiqa ва санъат мактаби фаолият кўрсатмоқда. Уларда ёшлар фортепьяно, турли миллий чолғулар ижрочилиги, эстрада, musiqa, рақс санъати, хор йўналиши бўйича пухта билим олиб, маҳоратини оширмоқда. Давлат дастурига мувофиқ ўтган давр мобайнида вилоятда тўрт musiqa ва санъат мактаби барпо этилди, олти таси эса капитал реконструкция қилинди. 2012 йилда Марғилон шаҳри, Қўштепа ва Бағдод туманларида янги болалар

musiqa ва санъат мактаблари қурилди, Қўқон шаҳри, Ўзбекистон, Фарғона туманларидаги санъат масканлари капитал реконструкция қилинди.

Марғилон шаҳрида бунёд этилган 10-болалар musiqa ва санъат мактаби ёшларга муносиб тўхфа бўлди. Бу ерда 150 нафардан зиёд ўғил-қиз халқ чолғулари, анъанавий ижрочилик, фортепьяно, торли чолғулар каби қатор йўналишлар бўйича билим олмақда.

Дарья Киселёва — Фарғона шаҳридаги 2-болалар musiqa ва санъат мактабининг 7-синф ўқувчиси. У бир неча йилдан буён устозларидан фортепьяно сирларини кунт билан ўрганмоқда. Бу истеъдодли қизнинг маҳорати таниқли му-

тахассислар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Хусусан, ёш иқтидор соҳибчиси Парижда ўтказилган "Nikolai Rubinstein" ёш musiqaчилар халқаро танловида муваффақиятли иштирок этди.

— Юртбошимиз томонидан биз, ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибордан мамнунмиз, — дейди Д.Киселёва. — Бунга жавобан келгусида санъат соҳасида юқори натижаларни кўлга киритиб, маданиятимизни жаҳонга тарғиб этмоқчиман. Шу мақсадда миллий ва жаҳон musiqaсининг нодир намуналарини кунт билан ўрганмоқданам.

"Янги авлод — 2012" болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичида ҳам фарғоналик ёш истеъдодлар муносиб ўринларга сазовор бўлди. Унда 32 нафар ўқувчи 6 йўналиш бўйича қатнашиб, 9 нафари яқка ижро бўйича, 2 гуруҳ эса жамоа ижрочилиги бўйича голибликни кўлга киритди.

Вилоят ёшларининг бундай юқори натижаларга эришишида мамлакатимизда musiqa санъатига қаратилаётган доимий эътибор, навқирон авлод вакиллариининг ўз истеъдодини намоён этиши учун яратилаётган шарт-шароитлар муҳим омил бўлмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ,  
ЎЗА мухбири

## КИЧИК МУВАФФАҚИЯТЛАРДАН КАТТА МАҚСАДЛАР САРИ

**Булоқбоши туманидаги 3-умумтаълим мактаби худуддаги илгор масканлардан бири ҳисобланади. Капитал таъмирдан чиқарилиб, замонавий талаблар асосида жиҳозланган мактабда замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, хорижий тилларни ўрганишга мўлжалланган лингафон хоналари ҳамда энг сўнгги русумдаги компьютер технологиялари ёшларимиз ихтиёрида.**

### Maktab hayoti

Яратилган қулайлик ва имкониятлар, фидойи устозлар меҳнати бесамар кетаётгани йўқ, албатта. Ўқувчилар фан олимпиадалари ва билимлар беллашувида муваффақиятли иштирок этайти. 2011 йили фан олимпиадасининг туман босқичида кимёдан Абдулатиф Абдукомиллов, биологиядан Ирода

Жўраева 3, она тили ва адабиётдан Иноят Аҳмадалиева 2, Моҳира Сотволдиева хорижий тил йўналишида 1-ўринни кўлга киритди. Билимлар беллашувининг туман босқичида эса чет тили бўйича 7-"А" синф ўқувчиси Гулида Қосимжанова 1-ўринни эгаллади.

Мактабда спорт тўғрарак-

лари фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси Нурмуҳаммад Холмаҳаммедов мураббийлик қилаётган ёш футболчилар ўтган йили туман биринчилигида голиб бўлди. Улар "Ёз таътили-2012" спорт тадбири ва "Футболимиз келажиги" мусобақасида ҳам республика босқичига чиқиб боришди.

Кичик муваффақиятлардан илҳомланган мактаб жамоасининг мақсадлари катта, режалари бисёр. Таълим масканида ўқитувчи ўқувчилар орасида соғлом рақобат мухити, келажакка умид ва ишонч кайфияти устувор.

Ақром РАҲМОНОВ

## БАҲСЛАР ҚИЗГИН БОШЛАНДИ



**Олмасор туманидаги 28-умумтаълим муассасасининг 5—8-синф ўқувчилари билимлар беллашувининг қуйи босқичига тўлиқ қамраб олинди. Ҳар бир ўғил-қиз ўзи қизиққан фан бўйича тест саволларига жавоб берди ҳамда ёзма иш орқали билимини синовдан ўтказди. Энг юқори натижа кўрсатган ўқувчилар беллашувнинг туман босқичида баҳсни давом эттирадиган бўлди.**

Суратларда: билимлар беллашуви синовлари жараёнидан лавҳалар акс этган.

(Давоми. Боши 1-бет.)

Беллашув совриндорлари учун кенг имкониятларнинг яратилаётгани, Халқ таълими вазирлиги томонидан махсус диплом, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланаётгани ҳамда "Ёзги интеллектуал-ривожлантириш оромгоҳи"да ҳордиқ чиқариш имкониятини кўлга киритаётгани, танловда юқори натижа қайд этган мактаблар тажрибасининг кенг омалаштирилаётгани таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Жорий ўқув йилида ҳам Халқ таълими вазирлигининг "Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг фанлар бўйича билимлар беллашувини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғига биноан барча умумтаълим мактабларида беллашувнинг қуйи босқичлари ўтказилапти.

Қизгин ва муросасиз кечаётган беллашувларда ҳар бир фан бўйича 600 нафардан зиёд ўқувчи ўз билим ва кўникмасини синов кўрди.

Олинган натижалар ўқувчилар иқтидорини қуйи синфлардан оқиб аниқлаб, ривожлантириб бориш, билимидаги бўшлиқларни тўлдирish имконини бермоқда. Хусусан, ўқувчиларимиз математика ва физика фанларидан юқори кўрсаткичларни қайд этган бўлса, география ва тарих фанларидан ўқитиш сифатини кўтариш кераклиги кўзга ташланди.

Энг билимдон ўқувчилардан 42 нафари билимлар беллашувининг туман босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Дилдора ОЛИМОВА,  
Сергели туманидаги 285-мактаб ўқитувчиси  
Бўрхон РИЗОКУЛОВ  
олган суратлар.

# ЯНГИ УЙ ВА ЯНГИ МАКТАБ

## Ўқитувчиларни янгича ишлашга руҳлантирмоқда

Яқин-яқин йилларгача Маликободни кўпчилик, ҳатто қизилтепаликларнинг ўзлари ҳам «чўл» деб аташарди. Худудда 2005 йили умуммиллий дастур асосида янги типдаги замонавий мактаб қад ростлади-ю, бу томонларга ҳам баҳор нафаси кириб келди, гўё. Кўшни қишлоқлик болажонлар ҳам шу илм маскани томон талпини бошлади. Негаки, барча имкониятларга эга синф хоналари, спорт залларию майдончалари билим даргоҳига қадам қўйган кишида ўқишга бошқача иштиёқ уйғотиши табиий эди. Ўқув-лаборатория жиҳозларидан фойдаланиб ташкил этилаётган сабоқлар синфдан ташқари машғулотларда ҳам баҳсларга мавзу бўларди. Хуллас, мактаб чўл бағрини яшнатди, десак муболага бўлмас. Ана шу яшарининг давоми сифатида Маликободда замонавий тураржой бинолари барпо этилиб, аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилашга йўналтирилган узоқ мuddатли кредитлар асосида берилди бошланди. Қувончлиси, бундай уйлارнинг аксариятига ўқитувчилар оилалари кўчиб киришди.

— Биз ҳам ана шундай уйлارнинг бирида яшаймиз, — дейди 31-мактаб директори Раъно Аслонова. — Ҳамкасбларимдан Нилуфархон Ҳамроева, Феруза Ярашова, Нозима Жалолова билан ёнма-ён истиқомат қиламиз. Улар жамоамизнинг энг фаол, жонкуяр вакилларидан. Албатта, ўқитувчиларнинг фаолиятидаги самардорликка таянч бўлаётган омилар, аввало, кун тартибига қўйилаётган талаблар, мактабда соғлом, ижодий муҳитнинг ҳукмронлиги бўлса, иккинчидан, уйларида шаҳардан қолишмайдиган имкониятларнинг яратилганию қишлоқ инфратузилмасининг кундан-кун ривожланиб бораётганидир.

Маликободни ватан тутаётганларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Бу мактаб ўқитувчиларининг аксарияти эндигина мустақил ҳаётга қадам ташлаганлардан иборат эканини ҳам кўрсатади.

— Бугун олдимизда кадрлар салоҳиятини оширишдек муаммо кўндаланг турибди, — дея суҳбатимизни давом эттиради Раъно Аслонова. — Бу вазифани адо этишимизда «Ўрган-ўргат» тавсиялари жуда қўл келди. Тадбирлар мажмуасининг афзаллиги шундаки, сиздан ҳеч қандай ортиқча қоғозбозлик, ҳисоботлар талаб этилмайди. Аввало, фаолиятингиздаги бўшлиқларни аниқлаб оласиз-да, кейин ана шу кемтикликларни тўлдирингиз учун кимдан ва қаердан нимани ўрганишингиз мумкинлиги хусусида бош қотирасиз. Чунки вақт ганимат, кўр-кўрона қилинадиган ҳаракатлар ҳеч қандай самара бермаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб туриб-

### 2013-yil — Obod turmush yili

ди. Туманимизда биз ибрат олиб, тажрибасини ўрганишимиз мумкин бўлган 29-мактаб бор. Шу муассаса билан ижодий ҳамкорлик ўрнатдик.

Дарвоқе, Раъно Аслонова ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Олий бизнес мактабидан таҳсил олган эди. У ўқиш давомида энг зарур иқтисодий билимларни ўзлаштиришга жиддий эътибор қаратди. Бугун эгаллаган билимлари мактаб бошқарувидаги энг нозик жиҳатлар, жумладан, молиявий масалаларни ҳал этишида ёрдам бераётти. Айни пайтда «Ўрган-ўргат» тавсияси юзасидан қайси муассасага йўли тушмасин, мактаб директорларига бошқарувдаги молиявий муаммоларни ҳал этиш, маркетинг, менежер сифатида қандай йўл тутиш хусусида маслаҳатлар беради.

«Хўш, фалон билим маскани мана бу, мана бу жиҳатлари билан илгарилаб кетган. Нега биз бу борада оқсаямиз? Уларнинг муваффақияти ва биздаги нўноқликнинг илдизи қаерга бориб тақалади?». Раъно Аслонова педагогик жамоа йиғилишларини олиб борар экан, кун тартибига вазифаларни ана шу тарзда қўйишга, ҳар бир ходим ўз фаолиятига танқидий нуқтаи назардан баҳо бериб, иш қўришига имконият яратади.

— Ўқув ишлари бўйича ўринбосар Гуландом Ризоқулова тадбир давомида методик кенгашлар фаолиятини юритиш

тажрибасини ўрганиб келди, — дейди директор. — Навбатдаги йиғилишда 29-мактаб ютуқларида бу тажрибаларнинг тугган ўрнини асослаб берди.

Мазкур билим масканида кўпчилик ибрат олса арзигулик яна бир иш йўлга қўйилган. Директор ва унинг ўринбосарлари томонидан ҳар чорак якунида барча синф ўқувчиларидан анкета сўровномалари олинади. Бу сўровномадан мавзулар доирасидаги тестлар, бошқотирмалар, шунингдек, «Қайси устозингизнинг қандай фазилатларини қадрайсиз? Қайси жиҳатлари кўнглингизда норозилик ҳиссини пайдо қилади? Чорак давомида қайси мавзунини тўлиқ ўзлаштира олингиз? Сабоқларни қандай усулларда ташкил этиш сиз учун маъроқли?» сингари саволлар ўрин олади. Ўқувчилар ўз жавобларида исми шарифларини келтириши шарт эмас. Анкеталар йиғиб олинганча, педагогик жамоа ўртасида таҳлил қилинади ва шу аснода қўшимча дарслар ташкил этилиб, аниқ белгиланган мавзулар доирасида ўқувчилар билимларидаги бўшлиқларни тўлдиришга эътибор қаратилади.

Янги йилни янги уйларида нишонлаган муаллимлар Маликободнинг келажаги бугун ўзлари таълим-тарбия бераётган ёшлар қўлида эканини яхши билишадди. Шунинг учун ҳам улар янгича шижоат билан бугун кечагидан унумлироқ ишлашга қатъий бел боғлашган.

Ойбуви ОЧИЛОВА

### Kasb-hunar kollejlari

Тошкентдан Наманган сари юрсангиз, айни Қамчиқ довони тугаши билан Чодак даштлари бошланади. Бир пайтлар ана шу қақроқ ерлар сувсизликдан чанги кўкка ўрлаб ётарди. Марғизор сув иншооти бунёд этилди-ю, дашт бағрида зи роатчилик авж олди. Ҳозир бу заминда унмайдиган экин, гулламайдиган гиёҳнинг ўзи йўқ.

Поп қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг ўқув-тажриба хўжалигига қарашли экин майдонлари ҳам шу худудда жойлашган. Оз эмас, кўп эмас, 51,4 гектар ер коллеж тасарруфида. Касб-ҳунар маскани ўқувчилари шу ерда леҳқончилик сирларини ўрганишди, таж-

иштида ўтилиши касбий тажриба орттиришимга катта ёрдам берди, — дейди 3-босқич ўқувчиси Дониёр Адашбоев. — Коллежда қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш бўйича ўқишни тамомласам, бу ерда ўрганганларим кейинчалик қўл келиши аниқ. Ҳозир ТТЗ-80, ТТЗ-28 ва «Тель-100» тракторларини мустақил бошқаришдан ташқари, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишни ҳам ўзлаштириб олдим.

Ўқув-тажриба хўжалиги раҳбари Азимжон Жўраевнинг қайд этишича, 2012 йили ернинг 7 гектарида пахта, 24,1 гектарида бугдой, 1 гектарида пиёз, яна 1 гектарида пиёз уруғи, 8,3

## ҲАМ ТАЖРИБА, ҲАМ ДАРОМАД МАНБАИ

Поп қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг ўқув-тажриба хўжалиги ана шу икки вазифани ўтамоқда

риба ортиришди, билим ва кўникмаларини мустақамлайдилар. Чунки ёшлар ўзлаштираётган касб-ҳунарларнинг аксарияти қишлоқ хўжалиги ҳамда унга техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ.

Касб-ҳунар коллежида қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалиги машина ва механизмларига хизмат кўрсатиш механизми, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, фермер хўжалиги мутахассиси, транспортда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш, кичик зоотехник, ўсимликшунос, чорвадор фермер, тикув ва тикув-трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш технологи йўналишларида мутахассислар тайёрланади. Бунинг учун кучли моддий-техник база мавжуд ва имкониятлар етарли.

— Ўқувчиларга пухта назарий билим бериш билан бирга, амалий кўникмаларини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди коллеж директори Комилжон Мамажонов. — Ҳозир иштиёримизда 10та ҳар хил турдаги трактор, бта автомобиль бор. Замонавий кўргазмали вентилар билан жиҳозланган устахоналар ҳам ўқувчиларнинг амалий сабоқ олишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, ўқув-тажриба хўжалиги бу борадаги имкониятларимизни кенгайтирмоқда: ер билан тиллашадиган бўлгуси кичик мутахассислар учун ҳақиқий мактаб вазифасини ўтапти.

— Амалиёт машғулотларининг бевосита иш шаро-

гектарида озуқа экинлари, 10 гектарида боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилади. Биргина пахтанинг ўзидан салкам 10 миллион сўм, талладан 13,3 миллион сўм даромад олинади. 51 гектардан зиёдроқ ер касб-ҳунар коллежида умумий ҳисобда 32 миллион сўмдан зиёд маблағ келтирди.

Агар бу рақам ёнига чорвачилик ва асаларчилик, мўъжазгина иссиқхона ва лимонаридан тушган маблағларни ҳам қўшсак, ялпи даромад 43 миллион сўмдан ошади. Сарфланган меҳнат ҳақи ва бошқа харажатлар чегириб ташланганда ҳам касб-ҳунар маскани ҳазинасига соф 11 миллион 835 минг 790 сўм маблағ тушди. Бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағнинг асосий қисми ижтимоий ҳимояга муҳтож ўқувчи ва ўқитувчи, техник ходимларини моддий қўллаб-қувватлашга сарфланмоқда. Ўтган йили ана шу мақсадга 5 миллион 330800 сўм ажратилди. Ходимларга имтиёзли нархларда ва кам таъминланганларга эса бепул гўшт, полиз-сабзот, дон маҳсулотлари берилди. Коллежининг ошхонаси учун четдан гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилинмайди. Даромаднинг яна бир қисми касб-ҳунар таълими муассасасининг моддий-техник базасини мустақамлаш, ўқувчилар ва ўқитувчилар учун қулай иш, маланий-маиший шароитларни яратишга йўналтирилмоқда.

Ғанишер АКБАРОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

## Yangiliklarda yurt nafasi



### Самарқандда зиёлилар, меҳнат фахрийлари ва маънавият тарғиботчиларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Вилоятдаги таълим муассасалари ўқитувчи ва мураббийлари, маҳалла оқсоқоллари, маънавият тарғибот маркази шахар ва туман бўлимлари раҳбарлари, ёзувчи ва шоирлар, нурунийлар ва ёшлар вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда 2012 йилда вилоятда саноат, хизмат кўрсатиш ва сёрвис, қишлоқ хўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилган ишлар, уларнинг натижалари ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Учрашувда мамлакатимизда кечаётган ислохотлар мазмун-моҳияти ва самараларини кенг халқ оmmasига етказиш, ёшларни "оммавий маданият" таъсиридан асраш, уларни ҳар томонлама баркамол инсон этиб вояга етказиш, тўй-ҳашамларни ортикча дабдабозлик, исрофгарчиликсиз ўтказишда зиёлилар, маънавият тарғиботчилари ва кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини янада қучайтириш зарурлиги таъкидланди.

### Термиз шаҳрида қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхона фойдаланишга топширилди.

— Шаҳардаги бўш турган бино негизда замонавий хориж технологияси билан жиҳозланган қандолатчилик фабрикасини ишга туширдик, — дейди "Surxondaryo savdo impreks" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Боймурод Тўхлиев. — Айни пайтда корхонада 20 ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти бу йил касб-хунар коллежларини битирган ёшлардир.

— Термиз саноат ва транспорт коллежида озиқ-овқат саноати технологи мутахассислигини эгаллаганман, — дейди Моҳитул Турақуллова. — Мазкур корхонага ишга жойлашиб, замонавий талаблар асосида сифатли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз.

2012 йили вилоятда юздан ортик лойиҳа амалга оширилиб, озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ҳамда мебель ишлаб чиқариш, аҳолига турли хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди. Натижада бир ярим мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

### "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан қатор ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар амалга оширилди. "Қамолот"да меҳмонда" онлайн-лоийҳаси шулар жумласидандир. Мазкур лойиҳа доирасида маданият, санъат ва фан арбоблари иштирокида онлайн-анжуманлар ўтказилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш мақсадида "Менинг бизнес гоям" ва "Ёш тадбиркор — энга мадақдор" танловлари ташкил этилди. Уларда касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчилари ўз ишини йўлга қўйиш бўйича бизнес-гоялари билан иштирок этди. Лойиҳанинг амалга оширилиши давомида ёшларга 14 миллиард сўмликдан ортик кредит ажратилди.

Тадбирда ёшларнинг икки юздан ортик шеърларини ўз ичига олган "Оила — қутлуғ боғим" шеърый тўплами ҳам тақдим этилди.

### Самарқанд шаҳрида "Самарқанд таомлари", "Миллий ширинликлар ва қандолат маҳсулотлари" ҳамда "Самарқанд нонлари" кўрик-танловлари ўтказилди.

Халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўзига хос пазандалик аънаналарини асраб-авайлаш ва уларнинг ёш авлод томонидан давом эттирилишига эришиш, халқимиз дастурхони тўкинилигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда барча шахар ва туманлардан уста новвой, ошпаз ва қандолатчилар катнашди.

Танлов иштирокчилари ўз ҳудудларига хос миллий таомлар, нон ва нон маҳсулотлари, ширинликларни тайёрлаб, ҳар бир таом, маҳсулотнинг тайёрланиш жараёнлари, фойдали хусусиятлари ҳақида маълумот бердилар.

Фестиваль якунида ҳар бир йўналиш бўйича голиблар аниқланиб, муносиб рағбатлантирилди. Танловларда намойиш этилган маҳсулотлар эса шаҳардаги меҳрибонлик ва саховат уйлари, махсус мактаб-интернатларга тўхфа қилинди.

**ЎЗА ВА МАХСУС МУХБИРЛАРИМИЗ Йўлаган материаллар асосида тайёрланди.**

## Ижодий лойиҳа

Тошкент фотосуратлар уйида ЭҒО XII экспериментал санъатшunosлик конференцияси бўлиб ўтди. Халқаро ўзбек-корейс ижодий лойиҳаси доирасида мазкур конференция "Ўзбекистон тасвирий санъатида Шарқ ва Ғарб аънаналари" мавзусида ташкил этилди.

Лойиҳанинг асосий гояси — бўлажак санъатшunosларда тасвирий санъатга холисона баҳо бериш, мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришдан иборат.

"ЭҒО XII" анжумани материалларида Ўзбекистон замонавий санъати ривожланишига доир долзарб мавзулар акс этган. Тадбирда катнашган талабалар Шарқ ва Ғарб аъна-

наларини ўзига хослиги, бир-бирига ўхшаш ҳақида маърузалар қилишди.

Ғолиблар 2013 йилнинг март ойида Жанубий Корейда бўлиб ўтадиган халқаро конференцияда катнашиш имкониятига эга бўлдилар.

**Моҳичеҳра ШОРАСУЛОВА,**  
**Қамолитдин Бехзод**  
**номидаги Миллий**  
**расомлик ва дизайн**  
**институтини талабаси**

## "Ниҳол" боғи барпо этилди

"Ниҳол" мукофоти совриндорларидан иборат бир гуруҳ ёшлар Хоразм вилоят маданият ва спорт бошқармаси биноси олдидаги майдонда янги боғ яратишга бош-қош бўлишди.

"Ниҳол" мукофотининг турли йиллардаги совриндорлари Ферузбек Норматов,

Қомилжон Мусаев, Муродбек Қиличев Сарвиноз Курёзова, Бунёдбек Саидов, Дилноза Ортиқова каби қобилиятли ёшлар илк ниҳолларни ўтказишди. Демак, юртимизнинг ниҳоллари тобора бўй кўрсатиб, яшнаб бораверади.

**Феруза ТАНҒРИБЕРГАНОВА**  
**«Ma'rifat» мухбири**

## Мустаҳкам ҳамкорлик самараси

Чилонзор туманидаги 181-мактабда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигининг амалий натижаларига бағишланган анжуман ўтказилди.

Кўпинча бундай йиғилишларда ота-оналар ёки маҳалла вакиллари ёшларни қизиқтираётган масалалардан йироқлашиб, бир ёқлама муносабат билдиришди. Ноанъанавий тарзда ташкил этилган тадбирда эса ота-оналар фарзандлари билан биргаликда муаммоларга ечим излаб, маҳалла фаолларининг фикрларига ҳам эътибор қаратишди. Хусусан, ота-оналардан Илҳом Исмолов, Иқбола Чориева мактаб билан алоқаларини мустаҳкамлаб, ўқитув-

чилар билан мунтазам мулоқотда бўлиб туриши натижасида фарзандларининг ўқиши ва хулқидега ижобий ўзгаришлар бўлганини таъкидлади. Хусусан, Бехруз Исмолов тарих фанидан ўтказилган билимлар беллашувининг шахар босқичида фаол катнашди, Зебо Шафоатова эса иншолаб кўрик-танловининг шахар босқичида иккинчи ўринни эгаллади.

— Ҳар томонлама баркамол ўқувчини шакллантиришда мактаб билан бирга

ота-оналар масъулияти ҳам юқори, — дейди мактаб директори Моҳидил Бегматов. — Соғлом оилавий муҳит ўқувчи муваффақиятини таъминлайдиган омил экани сир эмас. Ота-оналарнинг фарзанди билан дўстона муносабатни мустаҳкамлаш, қизиқишларини инобатга олиб, касб-хунар йўналтириши ўқувчиларнинг келгусидаги ҳаётига катта таъсир кўрсатади.

Давра суҳбатидан сўнг ўқувчилар турли тўғарақларда ўрганган ижод намуналари ва саҳна кўринишларини намойиш этишди.

**Дилором ЖАЛИЛОВА,**  
**шу мактаб ўқитувчиси**

## Миллий қадриятларимизга эътибор

Учтепа туманидаги 106-мактабнинг "Одобнома" фани ўқитувчиси Гулчеҳра Тоҳиева "Дарс — муқаддас" тавсияси асосида туман ўқитувчилари учун "Меҳнат инсонни улғулайди" мавзусида очик дарс ўтди.

Маҳоратли муаллима дарсларида миллий қадриятларимизга алоҳида эътибор қаратиб, ўқувчиларни Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбияламодда. Устоз ўз дарсларида "Класс-тер", "Ақлий ҳужум", "Зинама-зина", "Бумеранг", "Музёраб" каби ноанъанавий усуллардан фойдаланиб, ижобий натижаларга эришаётди. Муаллиманинг "Ўқувчиларни миллий аънаналаримиз, урф-одатларимиз, қадриятла-



римизга садоқат руҳида тарбияланган" мавзусидаги иши туманда оммалаштирилган.

**Гулю ОРИФЖОНОВА,**  
**«Ma'rifat» мухбири**



Пойтахтимиздаги 300-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабиде 1-синф ўқувчилари иштирокида «Бахтиёр болагим» мавзусида саводхонлик байрами ташкил этилди.

— Мутафаккирларимиздан бири ёш авлод қамолотида уч тоифа кишиларнинг сый-ҳаракати муҳимдир, деб айтади. Булар — илму

толибнинг ўзи, устоз ва ота-онадир, — дейди мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Сайёра Собирова. — Бу фикрнинг тўғрилигига бугунги саводхонлик байрамида амин бўлдик. Ўқувчиларим шу кунгача олган билимларини ота-оналари, устозлари олдида намён қилиб буни исботлашди. Ўқитувчининг ота-оналар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиши ўқувчи билимини ошириб, маънавиятини бойлатишда муҳим аҳамиятга эга.

Фидойи муаллима Сайёра Собирова томонидан тайёрланган «Болагим — пошологим» мавзусидаги медиадарс, «Болалар таълим-тарбиясида ҳамкорлик» ноанъанавий ота-оналар мажлисида иштирок этганлар педагогнинг изланувчанлигига, ўқувчиларга пухта билим беришига гувоҳ бўлдилар.

**Дилбар МУҲИДДИНОВА**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Албатта, улар орасидан ҳар жиҳатдан соғлом, маънавий етук, билимли ёшларгина бир неча босқичли синовлардан ўтказилиб, ўқишга қабул қилинмоқда. Олий ҳарбий таълим муассасамизда курсантларнинг замон талаблари даражасида да билм олиши, касб кўникмаларини эгаллаши учун барча имконият яратилган. Бир неча минг китоб фондида эга кутубхона, назарий ва амалий машғулотлар ўтишга мўлжалланган ўқув ва тренажёр хоналари, компьютер синфлари ва лабораториялар, спорт заллари курсантларимизнинг билим савиясини оширишга хизмат қилмоқда. Уларга ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлган илмий-педагог кадрлар, бой тажрибага эга ўқитувчилар сабоқ бермоқда. Машғулотлар замонавий техни-

## МАЛАКАЛИ ОФИЦЕР КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСКАНИ

ка ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида олиб борилиб, бу жараён йил сайин такомиллаштирилади.

Жорий ўқув йилида билим юрти ўқув-моддий базасини юқори даражага кўтариш, ўқув дастурлари ва таълим жараёнларини янада мукамаллаштириш ҳамда илғор компьютер ва ахборот технологиялари, моделлаштириш ва симуляция услубларидан кенг фойдаланган ҳолда машғулотларни олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, олдимизга мазкур ҳарбий таълим муассасасини замонавий

қурол-яроғ ва жанговар техникалардан кенг фойдаланиш, кўшинларни бошқариш ва жанговар операциялар олиб боришнинг самарали усулларини ўзлаштириш ва синовдан ўтказиш бўйича Куролли Кучларнинг илмий марказига айлантириш ва-зифаси ҳам қўйилган. Айни пайтда бу борада тегишли дастурлар асосида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бундай саъй-ҳаракатлар самарасида билим даргоҳимиз ўтган ўқув йилида мамлакатимиздаги олий ҳарбий таълим муассасалари ўртасида танловда

ғолиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг кўча кубогини қўлга киритди. Курсантларимиз эса олий таълим муассасалари талабалари ўртасидаги фан олимпиадаларида, Куролли Кучлар тизимидаги ҳарбий спорт ўйинлари ва интеллектуал мусобақаларда юқори натижаларга эришмоқда.

— Ҳарбий соҳа вакили, албатта, бирор бир спорт тури билан мунтазам шуғулланиши керак, — дейди қўл жанги бўйича Ўзбекистон чемпионати қумуш медали соҳибига, курсант Абдурауф Ҳоziров. — Йигитлар

ўзлари қизиққан спорт турлари билан мунтазам шуғулланади. Гуруҳларо мусобақалар ўтказиш турмиши. Бунинг учун билим юртида барча шароит мавжуд. Спорт майдончалари ва тренажёрлар зали доимо курсантлар билан гавжум.

Айни пайтда билим юртида Ватан ҳимоячилари кунини муносиб нишонлашга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Курсантлар, офицер ва ҳарбий хизматчилар ўртасида бир қатор танлов ва спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Самарқанддаги ҳарбийлар шаҳарчаси, Меҳрибонлик ўйлари, таълим муассасалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида маданий-маърифий тадбирлар уюштирилмоқда.

Ҳолиб ҲАСАНОВ,  
ЎзА мухбири

### Vatan aziz, jasorat mangu!

Пойтахтдан чиққан машина узоқ йўл босиб, Янгийўл туманидаги Соҳибкор кўчасига бурилганда, ҳамроҳим биздан юз метрлар нарида кетаётган уч аёлни кўрсатди. "Ҳасса тугган аёл Шермухаммаднинг онаси", деди у. Орқа ўриндиқдан зеҳн солиб қарайман. Ҳаётининг гоҳ қувончли, гоҳ ташвишли унларини бошидан ўтказган уч она секин қадамлар билан кетиб борарди.

Дарвоза яқинида машинадан тундик. "Ассалому алайкум, яхши юрибсизми?" Мунисхон ая Ҳассага таяниб, елкамизни қоқиб қўйди. Маҳалламизда бир одам оламдан ўтибди, шуниқидо фотиҳа қилиб келаямиз, дейди. Йиллар ва шердек ўғилдан айирган қаза қолдирган асорат онанинг қадам бошидан яққол кўзга ташланади. Улар билан бирга ҳовлига кирдик.

Узум, гилос экилган чоғроққина ховлида икки сўри — бири дарвозахонада, иккинчиси валиш тағида. Оддий ўзбек хонадони. Она набирасига тахмонни буздириб, сўрига янги кўрпачалар солдирди. Меҳмон атойти худо.

Одатга кўра сўрашганимиздан кейин кўшини Бону хола сўз бошлади: — Шермухаммаднинг охириги марта кўрганым ҳеч эсимдан чиқмайди. Ҳарбий кийимда кўчани тўлдириб ўтувди, алп йигит эди ўзим...

Руқия хола кўшинининг гапини давом эттирди: — Кувнок, дилкаш бола эди. Унинг гапларидан рохатланардик, ҳечам қовоғини солиб юрмасди.

Мунисхон аянинг нур ёғилиб турган юзига разм соламан. Истарали. Билмадим хаёллари қаерда юрибди. Кўзлари жиқ-жиқ ёш, салгина ўринсиз сўз ҳам уни дув-дув тўкиши мумкин. Сўз тополмайман. Аянинг ўзи гап бошлади:

— Кенжатоғининг юришига ҳам, кийинишига ҳам ҳамма ҳавас қиларди. Уйимиздан дўстлари аримасди. У болалигида учувчи кийимини кийиб суратга тушган. Учувчи бўлиш истаги болагинам юрагида ана шунда пайдо бўлган, — деб набирасини чақиради. — Амакингни суратини олпик, болам. Аслида раҳматли دادаси учувчи бўлишни орзу қилган эканлар. Шунинг учун ўғлимга фақат ёрдам бердилар.

Бир кун ҳеч уйдум келмади, у томонга ёнбошлайман, қани энди кела қолса ёнқу дегани. Ҳамма ухлаган. Бир пайт кўзим илгинган экан, "Шермухаммад!" деб бақириб юбордим. Нимага? Нима учун? Билмайман. Шунда ўғлим... узилган экан, эртасига билдим бунини...

Дастурхон атрофида ўтирганлар кўз ёшларини артишади. Мавзунини ўзгартираман. Ҳовлидаги дарахтларни кўрсатиб:

— Буларнинг қайси бирини Шермухаммад экан? — дейман.

— Булар ундан кейин экилган.

— Бир йили кўчага шафтоли эккан эди, — деб эслайди Бону хола. — Ҳосили зўр бўлди, мана шу пилбадан ҳам катта-катта бўлди. Уйланаётганда тўйга келганларнинг ҳаммаси дуо қилиб ёб кетишиди.

Умри ҳам шафтолининг умридек қисқа экан. Унинг мазасининг таъми одамлар оғзида қолганидек, Шермухаммаднинг ҳам эл-юрт тинчлиги йўлидаги қаҳрамонлиги ва жасорати халқимизнинг ёдида қолди. Нақадар қизиқ ўқшашлик. Хаёлдан шунақа гаплар ўтди.

Мунисхон ая:

— Дадаси от олиб берганди. От

## "ЭР ЙИГИТ ЭЛНИНГ БОЛАСИ БЎЛАДИ"

дейди Мунисхон ая шердек ўғлини хотирлаб

жону дили эди. Ишига жудаям меҳр қўйганди. Бир кун таътилга келганида онаман-да, чарчаб, қийналяпти деб ўйладим. "Болам, ҳадеб иш-иш девверасаним? Сен ҳам бундай мазам йўқ деб ёки бирор нимани баҳона қилиб, ҳар замон дамингни ол", десам, Шер ўғлимнинг гапини қаранг: "Менга ҳамма нарсани ўргатдингизу фақат мана шунини, ёлгон гапиришни ўргатмадингиз. Мана шундан дарс бермагансизда, энажон" дейди. Ана шундай бир дунё эди болагинам.

Сухбат қизиди. Шермухаммаднинг январда туғилгани, бироқ ўша кун баҳор ҳавосидек илқ бўлгани, отасининг агар яна бир ўғлим бўлса, унга Пурмухаммад деб исм қўяман, деб ният қилгани, жияни Эрмухаммаднинг ҳозир аскар бўлиб хизмат қилаётгани, унинг келажақда амакиси сингари ҳарбий учувчи бўлиш орзуси борлигини, кўпчилик кўшинларнинг 1920—30 йилларда водийдан шу ерларга "қулқ" қилингани, касб-кор, боғ-роғ, тириклик ва тирикчилик, тинчлик ва нотинчлик ҳақида, қисқача айтганда, ҳаёт ҳақида гаплашдик.

Онаизор Ҳассага ишора қилди:

— Мана шунга суяниб қолдим, болам. Шундай, йиқилиб кетаётгандек бўламан, ичим қуйган болам, ичим...

Ҳажон гапиргани кўймайди. Бироз тин олиб, гапини давом эттирди:

— Эр йигит элнинг боласи-да, тинчлик ва осийишталаниши шулар сақлаятти... Ўғлимдан мингдан-миг розиман, умри қисқа бўлса-да, чақмоқдек яшади, тиним нима билмади. Ҳалигача дўстлари, сафдош ўртоқлари келиб туришади. Қандай хизмат қилга-

нини, мендан йироқда бўлганида нималар қилганини шулар гапирди беришади... Бир орауим бор: ўғлим ўқиган жойларни бир кўрсам, у юрган йўлларда юрсам, устозлари билан гаплашсам, армоним йўқ эди.

Онахонлар билан хайр-хўшлашиб дарвоза томон юрамиз. Кўчада кўзининг заъфрон ранги яна бир йил якуллангангайин дарак берарди. Шермухаммадсиз яна бир йил.

Биз отасининг армонини рўёбга чиқарган мард йигитнинг дўстлари, устозлари томон ошиқдик.

**Роза АБДИЕВА: биринчи ўқитувчиси**

— Аёлчи ўқувчиларимдан эди. У билан ҳаммиша фахрланаман. Оғир, вазим, меҳрибон ўқувчим бир нимани мақсад қилса, шунга эришмас-

ни, синфдошларни тўпларди, дўстларимиз орасидаги мустаҳкам ришта эди.

**Шерали ЧОРИЕВ: курсдоши, подполковник**

— Хушчақчақ, дўстларига ёрдам қўлини чўзадиган, билимга чанқок, чин маънодаги ватанпарвар бу курсдошимизнинг инсоний фазилатларини, юксак билими ва тугма истеъдодини ҳозиргача кадрлайман, ёшларга ўрнак қилиб кўрсатаман. Курсантлимизда қидириб тополмаган китобларни ундан олардик. Китоблари жуда кўп эди. Унинг шахсий кутубхонасида ҳаво навигацияси, аэродинамика, учиш қоидалари тўғрисидаги дарсликлардан тортиб, Эркин Воҳидов, Пиримқул Қодиров каби шоир ва ёзувчиларнинг китоблари ҳам бор



Катта лейтенант Шермухаммад Аширов.

1975 йил 23 январда Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Халқобод кўрғонида туғилган. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг илк битирувчиларидан бири. 2000 йил Сурхондарё вилоятининг Сарюсий туманида бўлган жанговар ҳаракатларда ҳалок бўлган. II даражали "Шон-шараф" ордени билан тақдирланган.

дан қўймасди. Ҳақиқий ватанпарвар эди. Ёлгонни эшитса чидаб туролмасди, ҳақиқат учун жон қуйдирарди ҳаммиша. Мактабга ишга келганимда, илк бор у ўқиётган синфга раҳбарлик қилганман. Ҳозир ҳам кўз олдимда турибди. Тўртинчи партада ўтирарди. Бир кун болалар, қани, ҳис-ҳаяжон гапга ким мисол келтирарди, десам, у қўл кўтариб жавоб берди: "Яшасин 8 март ва онажонларимиз!". Ҳамма қулиб, қарсақ чалиб юборди.

**Мухаррам ЮСУПОВА: синфдоши**

— У билан бир партада ўтирардим. Она тили ва адабиёт, айниқса тарих ва география фанига жуда қизиқарди. Синфдошлари бирон нимани тушунмаса, биринчилардан бўлиб ёрдам берарди. Билмаган нарсаси йўқ эди. Биз уни исми билан эмас, "Полвон" деб чақирардик. Чунки ўқишда ҳам, жамоат ишларида ҳам, синфдош қизларни ҳимоя қилишда ҳам полвон эди. Курсантлик даврида ҳам, кейин ҳарбий хизматни ўтаётганда ҳам таътилга келганида, албатта, биз

эди. Фавқулодда иқтидорли, жиддийлиги, тиришқоқлиги билан йўриқчи офицерларнинг мақтовларга кўп бор сазовор бўлган.

**Жўрабой ИШОНҚУЛОВ: Халқобод ҚФЙ раиси**

— Қишлоғимиздан чиққан биринчи ҳарбий учувчи Шермухаммад Аширов ўғлим билан синфдош эди. Раҳматли оти Эргашали ака ҳам, бобоси Аширало ота ҳам ўқитувчи, элнинг хурматли кишиларидан эди. Зилли оилада вояга етиб, тинч ва осийишта ҳаётимизни, мустақиллигимизни асраш йўлида, азиз жонини аямаган бу ўғлимиз жасоратини ҳаммиша ёшларга ўрнак қилиб кўрсатаман. Ҳа, бутунки замон ҳар биримиздан хушёр ва сергак бўлишни талаб қилмоқда. Чунки Ўзбекистон биз учун ҳар недан азиз ва муқаррамдир.

Ватани, элу юрти учун яшаб, уларни ўз манфаатларидан-да устун қўйган фидойи ўғлонларни халқи ҳеч қанон унутиб юрмаяди. Юқоридаги хотирлар ҳам сўзимизнинг исботидир. Эр йигит ҳақидаги хотирларини эшитиб келар эканмиз, йўлда Шермухаммаднинг акиси Нормуhammad Аширов билан кўришиб қолдик. Гарчи у билан илк бор кўришиб турган бўлсак ҳам, худди эски танишлардек суҳбатлашдик.

Нурмуhammad ака Шермуhammadнинг кизи Маҳмуда ҳақида гапирди. "Худди отасига ўқшайди. Отасига ўршаган қизлар бахтли бўлади, дейишади, илоҳини шундай бўлсин. Оқила қиз. Укамнинг фарзанди, меннинг ҳам болам, унинг бахти бутун бўлиши учун ҳеч нимани аямайман", дейди.

Фурқат ЭРГАШЕВ,  
капитан

# UMUMIY O'RTA TA'LIM MUASSASALARIDA TARIX HAMDA DAVLAT VA HUQUQ ASOSLARI FANLARI OYLIGINI O'TKAZISH YUZASIDAN METODIK TAVSIYA

Mustaqillik yillarida Vatanimizning qadim va shonli tarixiga, xalqimizning boy madaniy merosiga munosabat tubdan o'zgardi. Betakror tilimiz, muqaddas dinimiz, azaliy qadriyatlar, urf-odat va an'analimiz tiklandi, buyuk ajdodlarimiz xotirasiga munosib hurmat ko'rsatildi.

Zero, Prezidentimizning «Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch» asarida ta'kidlanganidek: «O'z tarixini bilmaydigan, kechagi kunini unutgan millatning kelajagi yo'q».

Umumta'lim muassasalarida har yili yanvar oyida tarix hamda davlat va huquq asoslari fanlari oyligi o'tkaziladi. Mazkur oylikda o'quvchilarda quyidagi bilim, malaka va ko'nikmalar shakllanishiga e'tibor qaratiladi:

- oila mustahkamligi, turmush farovonligiga erishish, har bir insonning o'z hayotidan mamnun bo'lib yashashi uchun mamlakatimizda barcha imkoniyatlar, zarur shart-sharoitlar mavjudligini anglash;

- ona-Vatanga munosib farzand bo'lish, atrofdagi voqea-hodisalarga loqayd bo'lmaslik, sergak turish, barcha voqea-hodisalarga o'z munosabatini bildirish;

- kelajakka ishonch bilan dadil qadam tashlash ruhini shakllantirish;

- milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat, «ommaviy madaniyat»ning salbiy oqibatlaridan ogoh bo'lish;

- Vatanimiz tarixi jahon tarixining ajralmas qismi ekanini tushunib yetish;

- mustaqillik o'z-o'zidan qo'lga kiritilmaganini, tinimsiz kurashlar va katta fidoyilikning mahsuli ekanini tushunish va uning qadriga yetish.

Hududiy xalq ta'limi boshqaruvi idoralari metodistlari, fan o'qituvchilariga oylikni tashkil qilishda quyidagilarga e'tibor qaratish tavsiya etiladi:

1. Viloyat metodika markazi tomonidan fan oyligini tashkil etish yuzasidan namunaviy reja tayyorlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlarini ishlab chiqish.

2. Viloyat miqyosida barcha umumta'lim muassasalarining ijtimoiy fanlar metodika birlashmalari boshliqlari uchun seminarlar tashkil qilish.

3. Maktabdagi tarix hamda davlat va huquq asoslari fanlari ustubiy birlashmasining yillik ish rejasida fan oyligi uchun tadbirlarni belgilash, reja va dasturlarni ishlab chiqish.

4. Fan oyligining birinchi o'n kunligi qishki ta'til kunlariga to'g'ri kelishi munosabati bilan o'quvchilarning yurtimizdagi zamonaviy inshootlar, tarixiy qadamlar hamda o'lkashunoslik muzeylariga sayohatini uyushtirish.

5. Ta'til kunlari fan bilan bog'liq turli tanlovlarni tashkil qilish.

6. Tarixiy adabiyotlar mutolaasi va «Men sevgan qahramon» mavzusida davra suhbatlarini o'tkazish.

7. Fan arboblari, olimlar, arxeologlar, huquqshunoslar, ichki ishlar va adliya idoralari xodimlari bilan uchrashuvlar tashkil qilish.

1-chizma

Umumiy mazmunga ega savollar	
· Savol to'liq javobni talab qilmaydi, mavzuni o'rganishga yordam beradi.	1.
· Tanlangan savollar bir nechta fanlarga aloqador bo'lib, fanlararo bog'liqlikni ta'minlashga yordam beradi.	2.
· O'quvchilarni mustaqil fikrlashga yo'naltiradi.	3.
· Har bir o'quvchiga tushunarli, ravon hamda do'stona ruhda bayon qilinadi.	4.
· O'quvchilarning qiziqishlarini hamda bilimidagi bo'shliqlarni aniqlashga imkoniyat beradi.	
Mazmunga aloqador va o'zida ma'lum bir muammoni aks ettirgan savollar	
· Bitta aniq javobga ega bo'lmaydi.	1.
· Bir nechta to'g'ri va bir-biriga nomutanosib javoblar ham bo'lishi mumkin.	
· Savollar ijtimoiy hayot bilan bog'liq bo'ladi.	2.
· O'quvchilarni o'ylab ko'rishga yo'naltiradi.	3.
· Davlat ta'lim standartlarida belgilangan ko'nikma va malakalarni shakllantirishga xizmat qiladi.	4.
· O'rganilayotgan mavzuning asosini tashkil qiladi.	
Javobi aniq bir yo'nalishga qaratilgan savollar	
· Javobi aniq bo'ladi.	1.
· Mavzuga oid asosiy tushunchalarni o'zida mujassamlashtiradi.	2.
· Davlat ta'lim standartlarida belgilangan bilimlarni egallashga yo'naltiradi.	3.
O'quvchilar bilimni baholash (berilgan topshiriq mazmunidan kelib chiqadi)	
Berilgan topshiriqni bajarishda:	
– fikrini aniq va to'g'ri ifodalay olgani;	
– mavzuning hayotiy misollar bilan bog'langani;	
– nazariyalar yoki qonuniyatlarni asosida tushuntirib bera olishi;	
– mavjud qonunlar bilan bog'lay olishi;	
– testlarni to'g'ri ishlashi va h.k.	
Uyga vazifa	
· Mavzu yuzasidan berilgan topshiriqlarni bajarish;	
· Kelgusi mavzu yuzasidan ma'lumotlar bazasini shakllantirish va h.k.	

2-chizma

Yuqoridagi jadvaldan kelib chiqib dars jarayonini quyidagi qismlarga bo'lish mumkin:

I bosqich	II bosqich	III bosqich	IV bosqich
Ehtiyojni aniqlash	Ehtiyojni to'ldirish	Mavzuni mustahkamlash	O'quvchilar bilimni baholash, rag'batlantirish
O'quvchilarni faollashtirish	Nazariya yoki qoidalar bilan ishlash	O'quvchilarni mustaqil ishlashga o'rgatish	Yakuniy xulosa chiqarish
Muammoni aniqlash	Qoida yoki nazariyalar ni-ma uchun qabul qilinganini aniqlash (amaliyot bilan bog'lash)	Uyga vazifa	

8. Yuqori sinflar o'rtasida "Eng yaxshi referat taqdimoti"ni o'tkazish.

9. "Qadriyatlar beshigisan, mahallam", "Obod mahalla, obod oila, obod ta'lim muassasasi" mavzularida insholar tanlovi tashkil etish.

10. Ota-onalar majlislarida ichki ishlar va prokuratura xodimlari, psixologlar ishtirokida "Farzandim – mening kelayajim", "Voyaga yetmaganlar o'rtasida huquqiy tarbiyani amalga oshirishning dolzarb muammolari" mavzusida uchrashuvlar o'tkazish.

Fan oyligi davomida Prezidentimiz Islom Karimovning "O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida" kitobi, O'zbekiston Respublikasi

O'qituvchi darsga tayyorlik jarayonida mavzu yuzasidan quyidagi tayanch konseptni tuzib olishi lozim. Bu an'anaviy dars rejasini tuzishdan biroz farq qiladi. O'qituvchi savollarni kompyuterga kiritib qo'ysa, vaqtdan yutadi (1 va 2-chizmalarga qarang).

O'qituvchi avval mavzu yuzasidan o'quvchilar nimalarni bilishini aniqlab oladi: ularni faollashtiradi, muammoni aniqlaydi, shu maqsadda savollar bazasini shakllantiradi. Yuqorida ta'kidlanganidek, savollar umumiy mazmunga ega, o'zida ma'lum bir muammoni aks ettirgan yoki bir yo'nalishga qaratilgan bo'lishi mumkin (3-chizmaga qarang).

3-chizma

Umumiy mazmunga ega bo'lgan savol	O'zida ma'lum bir muammoni aks ettirgan savol	Javobi aniq, bir yo'nalishga qaratilgan savol
Nima uchun insonlarning xloqi bir xil emas?	Qonunlar inson hayotida qanday o'rin tutadi, ularning majburiy bo'lishi shartmi?	Aholining huquqiy madaniyatni oshirishga qaratilgan qanday qonunlarni bilasiz?

Konstitutsiyasining 20 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi "Inson manfaati, huquq va erkinliklarini ta'minlash, hayotimizning yanada erkin va obod bo'lishiga erishish bizning bosh maqsadimizdir" deb nomlangan ma'ruzasidan foydalangan holda konferensiyalar tashkil etish tavsiya qilinadi.

Mazkur oylik davomida tarix hamda davlat va huquq asoslari bilan birga dunyo dinlari tarixi faniga ham alohida e'tibor qaratish dardork. Bunda "ommaviy madaniyat", odam savdosi, diniy ekstremizm va missiонерlikka qarshi, diniy bag'rikenglik g'oyalari bilan sug'orilgan tadbirlarni tashkil qilishga alohida e'tibor berish zarur.

Fan oyligi oxirida yakuniy festival o'tkaziladi. Bu tadbir o'tgan qisqa vaqt mobaynida ta'lim samaradorligini oshirish bo'yicha qilingan ishlar sarhisobi vazifasini bajaradi.

Ta'kidlash lozimki, fan oyligini samarali tashkil etish viloyat metodika markazi, tuman xalq ta'limi muassasalari faoliyatini metodik ta'minlash va tashkil etish bo'limi uslubchilari va maktab metodika kengashi rahbarlariga alohida mas'uliyat yuklaydi. Yosh o'qituvchilarga darsni mazmunli tashkil etish, pedagogik texnologiyalardan o'z o'rnida foydalanish, maqsaddan kelib chiqib mashg'ulotni bosqichlarga to'g'ri taqsimlash kabi muhim ko'nikmalarni o'rgatishga e'tibor qaratish lozim. Zero, fan oyligini o'tkazishdan ko'zlangan asosiy maqsad ham ta'lim samaradorligini oshirishdir.

Quyida darsga tayyorgarlik ko'rish va mashg'ulot jarayonida nimalarga e'tibor qaratish lozimligi haqidagi tavsiyalarni taqdim etmoqdamiz. Mazkur takliflarimizni ulardan ijodiy yondashgan holda foydalanishingizni so'raymiz.

Savollarning bunday shakllantirish natijasida:

- ✓ o'quvchi darsdan zerikmaydi;
- ✓ o'quvchining hayotiy kuzatishlari asosida shakllangan bilimlari tartibga solinadi, mavzuning mag'zi ochib beriladi;
- ✓ to'g'ri fikrlashga va o'z fikrini aniq ifodalashga imkoniyat yaratiladi;
- ✓ o'quvchilarning o'ziga ishonchi ortadi;
- ✓ mavzu quruq yod olinmasdan amaliyot bilan bog'lash orqali to'liq tushuniladi.

Test topshiriqlarini tuzishda ham og'irlik darajasi turlicha bo'lgan savollardan foydalanish lozim. Masalan, og'irlik darajasi murakkab bo'lmagan test topshirig'i asosan shablonan iborat bo'lib, o'quvchi to'g'ri javobni qo'yish orqali testi yecha oladi:

... – muayyan hududda yashovchi, o'z ehtiyojlari va manfaatlariga ko'ra birlashgan kishilarning jamoasi.

A) davlat B) jamiyat D) xalq E) huquq

Og'irlik darajasi murakkabroq bo'lgan test topshirig'iga quyidagi savolni misol keltiramiz:

1) "Davlat funksiyasi", "siyosiy tartibot", "jamiyat" tushunchalariga berilgan ta'riflarni tartib bilan joylashtiring.

1. Uning ma'muriy-hududiy tashkil etilishidir.

2. Davlat faoliyatining asosiy yo'nalishlari bo'lib, ularda davlatning ijtimoiy jihatlarini ro'yobga chiqariladi.

3. Jamiyatni boshqarish, xalq manfaatlarini himoya qilishni amalga oshiradigan davlat organlarining yaxlit tizimi.

4. Muayyan hududda yashovchi, o'z ehtiyoji va manfaatlariga ko'ra birlashgan kishilarning jamoasi.

5. Davlat hokimiyatini amalga oshirish usullari va uslublari.

A) 2, 5, 4 B) 1, 2, 5 D) 2, 1, 3 E) 5, 3, 4

"Дарсда эдим. Эшик тақиллаб қолди. Чиқсам, кўлида гул билан собиқ ўқувчим турибди: — Онамни соғиндим, сизни жуда кўргим келди..."

Юрагим титраб кетди. Онадан жудолик фарзанд учун нақадар оғир. Ахир, инсонга онаизоридан-да яқинроқ, меҳрибонроқ одам борми дунёда? Қалбимни ларзага солган яна бир нарсга ўқувчимнинг она меҳрини мендан ахтариб келгани эди. Кўксини куйдираётган соғинч тафтини босиш учун атайлаб устозини кўргани келибди. Демакки, онасидан олган меҳрнинг бир учкунини ўқитувчисидан ҳам олибди. Бу устоз учун нима эканини биласизми? Бу шарафни англаш, ҳис қилиш учун машаққатли УСТОЗЛИК йўлини босиб ўтиш,

ўқувчиларни юрагинг парчасига айлантира олишинг керак...

Фан ўқитувчиси бўлиб иш бошлаганимда ўқувчилар билан фақат дарс соатларидагина мулоқотда бўлар эдим, сўнг яна ўз ташвишларимга шўнғирдим. Белгиланган вақтда мактабга келман, жадвалга қараб дарс ўтаман ва сумкамни елкалаб уйга қайтаман. Синф раҳбарилик масъулиятини бўйнимга олгач, барчаси тамоман ўзгарди. Азонлаб ўқувчиларим билан кўришиш учун мактабга ошиқадиган бўлдим. Энди менинг бўш ва маънисиз ўтадиган вақтим ҳам йўқ. Баъзан болажонларим ташвиши билан ўзимни толиқтириб юборсам-да, бу қалбимга завқ, ҳаётимга мазмун бағишловчи тотли машаққатга айланди..."

## СИНФ РАҲБАРИ

### ўқувчиларни ўз фарзандидек қабул қила олсин

Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси Нозима Ёрова шу ҳақда гапир туриб, кўп йиллик синф раҳбари сифатида тажрибалари билан ўртоқлашди.

Хали кўёш уфқдан бош кўтариб улгургани йўқ. Муаллима хонага кирибди, синф журналини ахтара бошлади. 7-"Б" рақамга кўзи тушгандаёқ гўё яқин кишиси билан дийдорлашгандек кўнгли ёришади. Журналдаги 25 ўқувчи номи, характерини ёд билади. Бири шўх-шаддоқ, бири камгап, бошқаси чечан — ҳаммаси ўзига хос олам. Уларнинг кечаги дарслардаги иштирокини диққат билан кузатади, журналдан баҳоларини аниқлайди. Болалар ҳам салом бериб, бирин-кетин кириб келади.

Кўнгироқ чалинмасдан синф мажлиси бошланади. Кеча ким, нима сабабдан дарсга қатнашмагани, олинган баҳолар... биргаликда муҳокама қилинади. Янги кунга тайёргарлик, ўқувчиларнинг мактаб формаси, синф хонасининг тозаллиги, ўқув курулларининг бекаму кўстлигидан кўнгли тўлгачгина, муаллима бу кунни ҳам мазмунли, сермахсул ўтказишни сўраб болалари билан хайрлашади. Яна, ҳар танаффусда хабар олиб турмасга, кўнгли тинчмайди. Баҳоси тушиб кетган ёки синфдошлари шикоят қилаётган ўқувчи билан алоҳида суҳбатлашади. Арзимаган ёхуд ўткнччи туюлган бундай ҳолатлар эътиборсизлик туфайли жиддий муаммоларни келтириб чиқаришни муаллима жуда яхши билади. Баъзи муаммоларни мактаб психо-

логи ёки ота-оналар билан бирга ҳал этади.

Гоҳида айрим педагоглар ёки ота-оналарнинг нотўғри ёндашуви туфайли ўқувчиларнинг ўқишида, ўзлаштиришида оксаш кузатилиши мумкин. Масалан, ўқитувчи болага ноўрин танбеҳ берди ё номуносиб баҳо қўйди, дейлик. Бу, албатта, ўқувчига салбий таъсир этади. Ёки ота-она фарзандининг ўзи танлаган йўналишда иқтидорини намойиш этишига қарши. Ҳолбуки, у шу соҳада катта қобилият эгаси. Нозима Ёрова ана шундай вазиятларда ота-оналар билан суҳбатлашиб, муаммони ҳал қилмагунча қўймайди. Ахир, гап унинг ўз фарзандидек бўлиб қолган ўқувчилари тақдири устида бораяпти-ку! Қандай қилиб бунга бефарқ қараб туриши мумкин?!

Синфдаги муҳит, хонанинг безатилиши, ҳар бир буюм синф раҳбари ва ўқувчиларнинг дид-фаросати, маданияти, маънавиятидан далолат бериб туради. Буни яхши англаган тажрибали педагог ҳар нарсанинг ўз ўрнида бўлишига, жамоада ўзаро ҳамжихатлик ҳукм суришига алоҳида эътибор қаратади ва доимо ўқувчилардан ҳам шунга талаб қилади. Синфда

ўзига хос бошқарув тизими ташкил этилган. Тозалик посбони озодалик ва ўқувчиларнинг ораста кийиниши учун жавобгар. Синф ҳамшираси эса ўқувчиларнинг гигиена қоидаларига риоя қилишини таъминлайди ва уни махсус дафтарига қайд этиб боради. Ёш қаламқашлар эса ҳар ҳафтада, байрам ва тадбирларда синф деворий газетасини чиқаришади. Ана шу йўл орқали муаллима кўплаб ижодкор ўқувчиларнинг истеъдодини юзага чиқаришга эришади.

— Китоб ёшлар таълим-тарбиясида муҳим ўрин тутаяди, — дейди Нозима Ёрова. — Шу боис ўқувчиларимнинг китобхонликка иштиёқини кучайтиришга ҳаракат қиламан. 40 нусхага яқин бадиий адабиёт, 8 номдаги газета-журналга эга синф бурчагини ўзимиз тайинлаган "кутубхоначи" бошқариб боради. Ўқувчилар бу китобларни ўқиб чиқиш, газета ва журналлардаги маълумотлардан хабардор бўлиш бўйича ўзаро беллашадилар. Қолаверса, уларнинг мактаб ахборот-ресурс марказига қатнов ҳам назорат қилиб турилади. Синф сардори томонидан рейтинг асосида "Синф ойнаси"да акс эт-

## Tajriba

тириладиган бу қайдлар ҳар ҳафтанинг охирида ўтказиладиган мажлисда муҳокама қилинади.

Синф раҳбари ўқувчиларнинг, наинки ўқиш вақтидаги, балки мактабдан ташқаридаги фаолияти учун ҳам масъул.

— Агар ота-оналар 2-3 фарзанд тарбияси учун жавобгар бўлса, синф раҳбарининг зиммасига 20—30 боланинг таълим-тарбияси юклатилган, — дейди муаллима. — Ҳар бирининг феъл-атворини, қизиқиш ва қобилиятини ўрганиш, истак-хоҳишларига қараб тўғри йўлга солиш синф раҳбаридан катта куч, ирода ва матонат, педагогик-психологик маҳорат ва тажриба талаб этади. Лекин бунда асосийси — фидойилик, ўқувчини ўз фарзандим дея қабул қила олишдир. Мен мактаб психологи ва касбга йўналтирувчи мутахассис билан доимий ҳамкорликда ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятини ўрганаман. Ҳозир уларнинг барчаси мактабдаги тўғрақларга аъзо. Синфдан ташқари тадбирлардаги иштироки ҳам имкониятларини юзага чиқаришда, тарбиясида муҳим ўрин тутаяди. Директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари билан ҳамкорликда турли тадбирлар ташкил этамиз, ўқувчиларни кўрик-танловларга жалб қиламиз.

Дарҳақиқат, Нозима Ёрованын синфида ҳали ёш бўлишига қарамай, ўзини турли соҳаларда намойён этаётган ўғил-қизлар талайгина. Ўтган йилларда билимлар беллашувининг вилоят босқичида Нигина Бахромова физика, Зарина Умарова эса тарих фанидан фахрли ўринларни қўлга киритди. Беҳруз Тошев эса кураш бўйича республика биринчилиги голиби бўлди. Синф ўқувчилари турли кўрик-танлов, беллашув ва мусобақаларда фаол қатнашади. Бу жараёнда ҳеч ким эътибордан четда қолмайди. Чунки озгина эътиборсизлик, лоқайдлик ҳам бола иқтидорини йўққа чиқариши мумкинлигини тажрибали педагог яхши билади.

Сора ТОШЕВА,  
"Ma'rifat" мухбири

## БЎЛҒУСИ ПЕДАГОГЛАР

Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги педагогика коллежи илмга чанқок ёшларнинг етук мутахассис бўлиб етишишига хизмат қилаётган таълим масканларидан.



Коллежининг кенг ва ёруғ синф-хоналари замонавий аудио, видео ва компьютер ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда 4 минг нафардан зиёд ўқувчи мактабгача таълим, мусика таълими, жисмоний тарбия, бошланғич таълим, ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик йўналишларида тахсил олмақда.

Ўқув даргоҳида ёшлар ўзалари танлаган касб доирасида етарли билим ва кўникмага эга бўлиши учун барча шароит яратилган. Фан ва лаборатория, информа-

тика ва лингафон хоналари улар ихтиёрида. Бой илмий ва бадиий адабиётлар фондига эга ахборот-ресурс маркази интернет тармоғига уланган.

Суратларда: Марғилон педагогика коллежининг география фани ўқитувчиси Муҳайё Умарова ўқувчилар билан машғулот пайтида, коллежининг инглиз тили ўқитувчиси Хуршида Умарова ўқувчилар билан лингафон хонасида.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

# ВАҚТНИНГ ИККИ МАНЗАРАСИ

Шаҳарда тонг отди. Сон-саноксиз чироклар ёруғида тун бўйи оқариб турган осмон энди чинакамга ёриша бошлади. Хали кўпчилик уй-қуда. Кўчада онда-сонда йўловчилар кўзга ташланади. Уй-готувчи соатларнинг безовта садоси гоҳ бу, гоҳ у хонадондан эшитилади. У телефонида кўз югуртириб, сапчиб ўрнидан турди: кўш икки энлик кўтарилибди, иш бошланишига ярим соатча қолган. Шошапиша ювинди, чала-ярим нонушта қилгач, ишга отланди. Автобус кўп куттирмади. Иш-хона ҳам яқин, 15 дақиқада

Кишлоқда тонг отди. Хали ним-қоронгу, азон айтилмасданок ҳамма уйғонган, кимдир сугир соғса, кимдир ховли супурган... Оила аъзолари жам бўлиб, бир олам уй йомушларини тамомлаганида осмон энди-энди ёриша бошлади. Ҳамма нонуштага ўтиради, сўнгра яна ишга шўнғийди, моллар подага, қўйлар сурувга қўшилади. Кўёшининг заррин нурлари заминни эркалата бошлаганида далада аллақачон иш қизиган бўлади.

## Kuzatuv

дан қайтган талаба қош-гоҳ маҳали дақиқада уйғонади. Онаси ш-харлик эркакнинг атайин уйғотмайди, шунга ўрганган-да. Телефонининг қуввати камайибди, энди интернетга ҳам киролмайди. Нонушта қилиб, секин кўчага чиқади. Уттан-кетган у билан қуюқ сўрашади, шаҳарда, дунёда нима янгиликлар борлигини суриштиради. Болалиги ўтган кўчалардан охишта одимлайди, анҳор бўйи, кенг далапар... хотираларга кўмилади. Ҳар бир қадамда вақтни ҳис қилиди, очик, тип-типақ осмонга, олис-олисларга узоқ тикилади. Уйга қайтганида эндигина туш маҳали бўлади. Тушликдан сўнг вақт ўтказиш учун қулоғига митти қулоқчинни қистириб, мусиқа тинглайди, телефонидан интернетга кириб, дўстлари билан суҳбатлашади, дунё янгиликларидан хабардор бўлади. Уч-тўрт мусиқа эшитар-эшитмас манзилга етганини сезмай ҳам қолади. Лифтда бир зумда олтинчи қаватга кўтарилади. Уйда тайёр кечки овқат кутмоқда. Турмуш ўртоғи билан овқатланиб, биргалликда телевизор томоша қилишади. Серяллар бошланб, бири иккинчисига уланади. Уни мудроқ босади... Уйку олтидан хаёлан эртанги кун режасини туза бошлайди. Саҳар туриб, бадангарбия қилиши, қачондан бери қўли тегмаётган юмушларни битириши керак...

Коронга тушиб, кишлоқ уйларида бирин-кетин чироклар ёна бошлайди. Оила аъзолари яна дастурхон атрофида жам. Кечки овқат устида бугунги ўтган кун, қилинган ишлар муҳокама этилади. Овқатдан сўнг болалар дарс тайёрлашга, катталар сериял қўришга тутинади. Чироклар ўчиб, кишлоқ қоронғуликка қўмилади. Зим-зиё тун сукунатини ахён-ахёнда итларнинг воулуллаши бузиб туради. Узоқ чўзилган баракали кун ниҳоясига етади, ҳамма уйкуга кетади. Эртага уларни яна бир дунё юмуш кутиб турибди...

Санжар РУСТАМОВ

Истиклолимиз арафасида Ўзбекистонда ялпи ижтимоий-иқтисодий инқироз, бетартиблик, интизомсизлик, бир сўз билан айтганда, хаос муҳити устувор эди. Ер ости, ер усти бойликлари кўп, интеллектуал салоҳияти юқори юрт сифатида фаровон турмуш ташкил этишга тўла ҳақли бўлса-да, мустабид шўролар тузуми халқимизни ўз бойлигидан, имкониятларидан маҳрум этган эди. Одамлар киши бошига ўлчаб берилмагандан нон, шакар, ёғ сингари кундалик эҳтиёж молларини олиб кун кўриш учун ҳам соатлаб навбатда туришар, эртанги кунидан ноумид эди.

Машина, уй ўғрилари жуда кўпайган, оғир ва майда қириқчилик умуммамакат кўламида оммавий тус олиб, хавфли манзарани юзага келтирган эди. Миллатлараро зиддиятлар, худудлараро ихтилофлар кучайиб, мамлакат ўз ичидан портлаш арафасида турарди. Шундай мураккаб вазиятда Юртбошимиз Ислам Каримов ички тартиботни мустаҳкамлаш, одамларни ўз касбий фаолиятида барқарорлаштириш, уларнинг маънавият ва эътиқодда мустаҳкам бўлиб, иймон-ишончи бутунлигига эришиш, ҳар жабҳада қатъий интизом жорий этилиши фавақулда бир зарурат эканини кун тартибига долзарб ижтимоий-сиёсий масала сифатида қўя билди. Мамлакатимиз раҳбари 1990 йили Ўзбекистон Министрлар Советининг кенгайтирилган мажлисида республикамиздаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий жараённинг янада мураккаблашувига, издан чиқиб кетишига йўл қўймаслик, барча соҳаларда қатъий тартиб ўрнатиш кераклиги ҳақида ўз фикрларини ўртага қўйган эдилар:

“Бизнинг бундан буёнги ҳаётимиз қандай таркиб топишидан қатъи назар, авваламбор, **интизом ва қаттиқ тартиб бўлиши керак, шундан кейингина унинг асосида бошқа ҳамма нарсаларга эришиш мумкин.** Агар биз, халқ шундай ваколатлар ва ҳуқуқлар бериб қўйган кишилар, тартиб ўрнатмас эканмиз, **халқимиз ўзи тартиб ўрнатишга** киришишидан бошқа иложи қолмайди”.

Истиклолга эришган қунаримизданок янги миллий давлатимизнинг барча жабҳаларида тартиб-интизом, қонунларнинг амал қилишига қатъий эришиш бугунги осойишта ҳаётимизнинг пойдеворири вазифасини ўтади. Ўзбекистонимизнинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб олишига имкон берган, барқарор тараққиёт тенденцияларини таъминлаётган “ўзбек модели”даги тамойиллардан бири ҳам қонун устуворлиги эканлиги бежиз эмас.

Дарҳақиқат, атоқли немис социологи Макс Вебер таъкидлаганидек, ҳар қандай **тараққиёт тартибот ўрнатишдан бошланади** ва ҳар қандай позитив ўзгариш ҳамда янгилинишлар давлат ва жамиятдаги тартиботларга аҳолининг рияз қилиши даражасига бевосита боғлиқдир.

## Тартиблаган билим — илмдир

Муайян соҳа бўйича тўпланган маълумотлар мажмуи “билим” деб талқин этилса, илм эса ана шу тўпланган маълумотларнинг тартибга солинган, тизимлаштирилган ҳолатидир. Абу Райхон Беруний “Ҳиндистон” асарига ҳиндлар астрономия бўйича тўпланган маълумотларни тўғри тартиблагганига унун ҳам фанилм даражасига чиқара олганини қайд этган.

Илм ҳамма нарсани аниқ шаклга со-

лади, чекланган нарсаларни **сон, ранг, рамз, вақт** тарзида аниқ белгилаб, макон ва замонда **ҳажми, миқдори, даври, аҳамияти**ни кўрсатиб бера олади. Муҳаммад Хоразмий инсониятнинг санок соҳасида тўпланган ноаниқ, маъхум биланларини мантиқан тўғри тартиблагани олгани учун ҳам уни алоҳида фан — илмга айлантиради ва дунёда энг буюк математик олим сифатида танилди. Хусусан, у санок сонларини мантикий кетма-кетликда жойлаштириб, “0” (нуль) рақамини қўйиш орқали чексиз миқдордаги тартибли сонлар ҳажмини яратиш мумкинлигини аниқ исботлаб берди. Бу тартибот ҳозирги замон ҳамда келгусида барқарор амал қилиши шубҳасиздир.

Тартибот тўғрилиқни тақозо этади ва тўғрилиқни тарбиялайди. Шу тариқа тартибот турли хил англашилмовчилик, ишонсизлик ва шубҳаларга ҳам барҳам беради.

Ал-Хоразмийнинг жаҳондаги насаби “Алгоритм” атамаси ҳам шубҳа қилинмайдиган “тўғри тартибот” деган маънони беради. Нимаики мутлақо ҳақиқат бўлиб эътироф этилса, жамоатчилик томонидан “аксиома” сифатида қабул қилинади. Жаҳонда Ал-Хоразмий номи аксиома даражасига кўтарилган. Мабо-до бирор масала юзасидан мунозара бўлса, инглиз, немис, француз ва бошқа ривожланган миллат вакиллари муаммога ечим топиш учун “Нега биз бу ҳақда бахсланишимиз керак, ахир, бу алгоритм-ку?” деб қўя қоладилар ва беихтиёр Ал-Хоразмий номини зикр этадилар. Муаммо ва бахслар шу тариқа осонгина яқун топади.

Мирзо Улуғбек астрономия фани тўғрисидаги мавжуд билимларни тўғри тартиблагани тартибга солишга асосида дунёда илк дафъа юлдашлар харитасини тузишга эришди. Харита моҳият эътиборига кўра, жой, рельефни рамзий тартиблаганининг ўзидир. Алишер Навоий “хамса”чилик аъна-насини миллатимиз маънавий бойлиги сирасига киритиш учун икки йиллик умрини аниқ режа ва тартиб асосида ўтказиб, беш дostonдан иборат буюк асарни яратди. Шоир ўз шеърлари тартиб бериб, буюк девонларни инсониятга тортиқ этди.

## Тартибот — ростлик, тўғрилиқдир

Тартиб-қоидаларга қатъий риоя этиб яшаш инсондан турмуш тарзини ҳамиша онгли тарзда тўғри ташкил этишни, ростликни талаб қилади ва ёлгоннинг ҳар қандай кўринишини тамомила рад этади. Ростгўйлик, яъни рост сўзлаш — тўғриликнинг ўзгаи, аммо ҳаммаси эмас. Тўғрилиқ инсоннинг ўзи берган ваъдасига вафо қилмаслигида ҳам, ўз яқинига, халқига, ватанига садоқатли бўлмаганида ҳам жиддий зарар кўради ва ҳаётдаги энг кичик қоидалар, яъни светифор, йўл қоидаларига рўй этмаслиги катталарга етарли ҳурмат-эътибор кўрсатмаслигидан тортиб, энг катта ноҳожис ишлар — турли жиноятларга қўл уришгача бўлган ҳолатларда бузилади. Буларнинг барчаси “ёлгон” тушунчасининг гап-сўз билан ифода этилмайдиган жиҳатларидир. Шунинг учун амалдаги тартиб-қоидаларга мос келмайдиган ҳамма нарсани оддийлик қилиб “ёлгон” деб аташ зарур. Эеро, жисмини ўз номи билан аташ тарбиявий ишларни ҳам тўғри ўзанга туширади. Хитой мутафаккири Конфуций бундан 2,5

ҳамиша ховлиқма, кескин ва мутлақ ҳаракатлар қилиб юришга мойил, яъни одамлар билан ўзаро муносабатидида “ҳа” билан “йўқ”, “оқ” билан “қора”дан бошқа нарсани тан олмайдиган феъл-атворга эга бўлади. Бу уша даврдаги коммунистик таълимот асосчиларига нибатан берилган таъриф эди. Улар “Ким биз билан бирга бўлмаса, у бизга душмандир” деган нуқтаи назардан бошқа нарсани тан олмай, шу асосда иш қилишни ёзувчи атрофлича асослаб беради. Фрейлигрот коммунистларнинг широрларига жамоатчилик эътиборини қаратиб, “Янгини қуришдан олдин эски биноларни тамомила йўқотиш”, “Мулкдорлар — қашшоқлар душмани”, “Дин бу — афъюн”, “Зиёли маданияга қарши пролетар маданияти” сингари бир-бирини мутлақо инкор этувчи, тинчликни тубдан бузувчи гоғлар эканини таъкидлайди. Дарҳақиқат, минг йиллар мобайнида инсониятнинг тадрижий тараққиёти натижасида эришилган маданиятини саводсиз ва оми одамларга хос вайронкорлик табиатини қўзғатиш орқали йўқ қилишдан иборат бундай сиёсат турли халқлар бошига қанча-қанча кулфатлар

солгани барчамизга маълум. Шу боис ақллилар амалдаги тартиботларга риоя қила олиш ва уларни инсон маънавиятига мос ҳолда тадрижий такомиллаштиришни ўзида ифода этади.

## Жой қадрияти

Инсон табиатидаги бунёдкорлик, яратувчанлик атери тарбияланганлик, коммунистик даражасини намоён қилади. Бутун инсоният тараққиётида нарс ва ҳодисаларни тартибга солиш, улардан ўринли фойдаланиш алоҳида ўрин тутган. Она ўз фарзандига, аввало, ҳаёт учун курашишни, аста-секин овқат ейишни, бошқа одамларни ҳам танишни, яхши-ёмон муносабатини, яъни оқ-қорани ажратишни, ўйинчоқлар билан мустақил равишда ўйнашни, гапиришни ўргатади. Қисқача айтганда, тарбияда нарс-буюмлардан тартиб билан фойдаланиш жараёни бошланади.

Ҳаётда тартибга ўрганиш кўлами кенг бўлиб, ҳар бир нарсанинг ўз жойида бўлиши, нимаики қаердандир олинса, яна ўрнига қайтариб қўйилиши, айтилган сўзга амал қилиш, ваъдага вафодорликка бўлган катта чегарани қамраб олади. Таҳриб шунки кўрсатадики, бола ҳали икки ёшга тулмасидан бурун ўзи фойдаланган нарсалар — ўйинчоқ, кийим, пойабзал, идишни жойига қайтариб қўйишга одатлантирилса, катта бўлганида ҳам бошлаган ҳар бир ишини охирига етказиш, асл жойига нисбатан ҳурмат-эътиборлилик туйғуси мустаҳкамланади.

Ўз уйда қўйган нарсасини қидириб юрмайдиган бола келгусида товламачилик, ёлгончиликдан йироқ бўлади. Чунки нарс-буюмларни ўрнига қўйиш, ундан эҳтиёткорона фойдаланиш одати кишида жой қадриятини шакллантиради. Бу эса бора-бора инсон хатти-ҳаракатларини йўналтирадиган бош мианинг онгости маконига мустаҳкам ўрнашиб қолади.

Халқимизда жой қадриятига муносабат азалдан илоҳий рамз, ишора даражасига кўтарилган. Ота-боболаримиз ҳеч бир жониворга озор бермаслик, ҳатто чумоли, пашшанинг жонига даҳл қилмасликка ёшларни даъват қилишган. Ҳамма нарсанинг ўз ўрнида бўлишига қатъий амал қилинган. Узоқ хориж сафарига отлан-

## Нуқтайи назар

ганлар бир сиқим тупроқни Ватанидан муқаддас омонат деб, сафардан омон қайтгач, албатта, келтириб жойига қўйиш умиди билан олиб кетади. Оталар ўз қизларини бошқа хонадонга келин қилиб узатаётганларида, албатта, жой қадриятини ҳурматлаб, “Борган жойингда тошдай қотгин”, дея дуо қилишади.

Таассуфки, барча оилаларда ҳам бола-ана шундай руҳда тарбиялаш, уларнинг онгида жой қадриятини шакллантиришга алоҳида аҳамият берилмайди. Натийжада, ҳар кун мактаб ёки боғчага отланган бола ўз кийим-кечаги, сумкаси, дафтар-китобини излаб юради. Бундай тартибсизлик келажакда тузатилиши қийин бўлган хатоларни юзага келтириши мумкин.

Японияда болалар ҳар бир нарса, жонивор ва предметнинг жони бор, унга ҳурмат билан қараш ва ўз жойида ёзозлаш лозим, деб тарбияланади. Натийжада, болалар турли жониворлар билан дўст бўлишга, дархат ва гуллар, ҳатто ҳисси, ҳаракатсиз тош ва тупроқни ҳам жойида

безаб, кўркам қилишга интиладилар. Бу ҳол кунчиқар мамлакатда ландшафт архитектураси ва дизайн санъатининг ривожланишига туртки бўлаётир. Ушбу мамлакатда банкдан кредит сўраб келган одамларга ишонч билан қаралади. Ўз вазифасини пухта адо этган банк ходими энгил нафас олади. Чунки у ҳар бир ватандоши банкдан олган омонатни муддатда фоизи билан ўз жойига қайтаришини яхши билади. Демак, ҳар бир япониялик онгига муқаддас жой қадрияти болалигиданок тарбияланиб экан.

Халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муқимий каби алломалар ўз ҳаёт ва фаолиятларида Ватан, яъни жойни қадрият даражасига кўтаргани биз учун ибратдир.

Болаликдан нарсаларни ўз жойига қўйишга ўрганганлар ҳамиша тартибли иш тутишга интиладилар, уларга табиатдан ёлгончилик ёт хислатга айланади. Тартиб билан ишлаш масъулият одадий ҳол бўлиб қолади. Масъулият одам эса ўз навбатида бошқаларни ҳам шунга ундайди. Демак, тартибот инсон тарбиясида устувор қадрият ҳисобланади.

Тартибот қайси жамиятда мустаҳкам бўлса, одамларнинг турмуш даражаси, ҳаёт фаровонлиги юксалади. Немис халқи фаолиятли бўлиб, шведларга хос сўз ва иш бирлиги, японларга хос синчковлик, французларга хос чуқур мушоҳадали ва режалчилик бу халқлар менталитетидаги жамият билан мослашув, уйғунлашувга хос тартиботнинг мустаҳкамлигини ифода қилади. Шундай экан, тартибот қанча мустаҳкам бўлса, тараққиёт ҳам шунча жадаллашади.

Мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистонда кенг кўламли ислохотларнинг муайян тартиб-қоида асосида амалга оширилиши юртимизни ҳар томонлама — техник, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жиҳатдан ривож топаётган, қонун устуворлиги мустаҳкам, аҳолининг ижтимоий тартиботларга риоя қилиш даражаси юксак мамлакатга айлантирди.

Мансур БЕКМУРDOV, социологя фанлари доктори, профессор

# ОДОБЛИ БОЛА ЭЛГА МАНЗУР

Узоқ йиллик фаолиятим давомида болаларнинг тарбияси борасида ота-оналар билан кўп бора суҳбатлашимга тўғри келган. Синфдаги тўпалончирок ўқувчининг ота-онаси ҳам боласининг тартиб-интизоми ҳақида гап кетганда, уни айбдор санамаган. Ҳар кимнинг фарзанди ўзига чиройли, одобли, ақлли кўриниши табиий ҳол.

Айтишларича, бир ўқувчининг отаси ҳар кун мактабга бориб, ўғлига бирор мева бериб қайтаркан. Бир кун шоганча, уйининг яқинидан ўтаётган йўловчидан ўғлига олма бериб қўйишини сўрабди. У киши “Сизнинг болангизни танимайман-ку?!” дебди. Шунда ота “Мактабга киришингиз билан унга кўзингиз тушади, энг одобли ва чиройли болага беринг”, деб жавоб қилибди. Йўловчи индамай узатилган олмани олибди. Ота кечкурун уйга қайтса, ўғли йиғлаб ўтирган эмиш. Сабабини сўрабди.

— Нега бугун олма олиб бормадингиз? — Ота алданганини сезиб, ўғлини юпатибди. Эртаси кун иша одамни учратиб қолиб, койибди.

— Кечирасиз, — дебди йўловчи. — Мен сизни ҳам, ўғлингизни ҳам хафа қилмоқчи эмасдим. Кўзимга ўз ўғлимдан кўра чиройли ва одобли бола кўринмади. Шунинг учун олмани унга бердим.

Беш бармоқ баробар бўлмаганидек, ўқувчилар орасида ҳам эринчоқ, бамайлихотир ёки дангасароқ болалар бўлади. Аинқиқ, улар улғайган сари жисмоний, ақлий, ахлоқий ривожланишидаги фарқлар, руҳиятидаги тафовутлар яққол сезила бошлайди. Бу, ўз навбатида, муносабатларда ҳам ақс этади. Турфа характерли ўғил-қизлар хатти-ҳаракатида зиддиятлар кузатилади. Болаликдаги бундай кичик мождарларга синфдаги расмий ва норасмий “лидер”лар аралашади. Ўқувчилар муносабатидида расмий етакчи (намунали хулқ-атворга эга, билимли ўқувчи) фаолликка эришса, синфда соғлом муҳит вужудга келиб, ўқиниша қизиқиб кучаяди. Демак, соғлом муҳитни, аҳил-иноқликни барқарор сақлашга синф раҳбари алоҳида эътибор қаратиши зарур. Қолаверса, синф сардори, унинг ёрдамчиси ва тартиб посбонлари болаларни ўзларига эргаштира олиши ва ҳар жиҳатдан ибрат бўлиши керак.

Гоҳ жисмонан бақувват, тўпалончирок болалар ҳам атрофига ўзига ўхшаш тенгдошларини бирлаштириб олади. Бу эса болаларнинг психологиясига салбий таъсир этиб, ўзаро бирдамлик ва дўстликка пугур етказишни турган гап. Аинқиқ, юқори синфларда шундай ҳолатлар кўп кузатилади. Табиий савол туғилади: ҳуш, бунинг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар қўриш керак?

Мутахассислар шу мавзуда кўплаб педагогик-психологик изланишлар олиб боришган. Ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турадиган ўқувчиларнинг ахлоқи, руҳияти ўрганилиб, турли тавсиялар ишлаб чиқилган. Масалан, бундай болаларга синфдошлари олдида танбеҳ бериш ярамайди, ақс таъсир кўрсатади. Яъни, бола руҳиятини тузатиш ўрнига янада салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Аксинча, ундаги етакчиликка мойилликдан ижобий фойдаланиб, синф сардори, тинчлик посбони каби масъулиятли вазифаларга сайлаш яхши самара беради. Шунда улар ташкилий ишлар (мактабни ободонлаштириш, сабаҳатларда синф раҳбарига ёрдам бериш, бадийий кечалар, тадбирлар уюштиришга бош бўлишга интилади. Ўқитувчидан ўз вақтида раббатлан-тириб, ишонч билдириб туриши талаб этилади. Бу билан ўқувчи қалбига гўзал фазилатлар сингдириб борилади. Жамоа орасида ўзини яхши тутадиган, одобли болалар ҳар доим атрофдоғиларнинг эътиборида бўлади.

Айтмоқчиманки, моҳир педагог ўқувчиларни яхши ва ёмонга ажратмайди. Аксинча, ҳар бир боланинг имкониятига тўғри баҳо бериб, тўғри йўналтира олиш ҳақиқий ўқитувчининг ишидир. **Мирфозил МИРЗААХМЕДОВ**

## Millat mulki

## "ШЧ" ХАРФЛАР БИРИКМАСИНИ ҚАНДАЙ ЎГИРИШ ЛОЗИМ?

Ўзлашган сўзлар имлосидаги бир мунозарали ҳолат **шч** ҳарфлар бирикмаси билан боғланади. Аслида бу бирикма русча **щ** ҳарфини акс эттириш мақсадига юзага келган. Маълумки, **щ** ҳарфи рус тилидаги қоришқ товушни ифодалаб, **шдан** фарқланувчи алоҳида фонема саналади. Ўзбек тилида эса тил олди, сирғалувчи, жарангсиз ундош [ш]га яқин талаффуз этилган. Шу боисдан ҳам ўзбек кирилл алифбоси жорий қилинган пайтда **щ** ҳарфи сўзлар масаласи ижобий ҳал қилинган эди. Жумладан, 1940 йилги "Бирлашган ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари"да қуйидаги қоида берилган: "§ 45. Айрим сўзларда, кўпинча киши отларида ишлатиладиган, яъни чўзилиброқ айтиладиган **щ** товуши, айтилишига мувофиқ ҳарвақт бир **ш** билан ёзилади: **Шедрин, Шорс, Шербаков, Шепкин, Община, Ямшик** ва ш.к. Эслатиш: "**мешчан**", "**помешчик**" сўзларидаги **щ** ҳарфи **ш** билан ёзилади: **мешчан, помешчик**"; "**щётка**" сўзи эса, талаффузга мувофиқ "**чётка**" ёзилади".

Кўринадики, **щ** ҳарфи сўзлар имлоси, даставвал, адабий ўзбек тилининг орфо-

эпик меъёрларига мос тарзда, яъни фонетик принцип асосида ҳал қилинган. Бироқ 1956 йилга келиб, бу борадаги вазият бирмунча ўзгарган. Бунга 1956 йилги имло қоидаларининг 18-параграфи мисол бўлади: "Русча **щ** ҳарфи билан ишлатиладиган айрим сўзлар ўзбек имлосида **шч** бирикмаси орқали ёзилади: **мешчан, помешчик, Шчербаков, Шчедрин, Община, Ямшик** каби". Демак, ўзбек тилидаги сирғалувчи (**ш**) ва портловчи, қоришқ (**ч**) ундошлари ёнма-ён қўлланиладиган бўлди. Табиийки, бу ҳолат ўзбеклар талаффузига у қадар ҳам мос эмасди. Тўғри, 1940 йилги қоидаларда ҳам **мешчан, помешчик** каби ёзилишлар кўрсатилган. Чунки **шч** қўлланиши кўрсатилган ўринларда, яъни сўз бўғинларга ажралган ҳолатларда: сирғалувчи олдинги бўғинда, қоришқ товуш кейинги бўғинга ажралганда талаффузда мураккаблик сезилмайди. Бироқ сўзнинг бошида: **Шчербаков, Шчедрин, шчи** каби; сўз охирида: **пашч, боршч** каби сўзлар

талаффузи анчагина ноқулайлик туғдириши табиий. Аниқроқ қилиб айтганда, **ш** ва **ч** "шч" ўрнида келганда бир-биридан ажралиб, алоҳида талаффуз этилиши ва ёзилиши адабий талаффуз меъёрларига мос эмас.

Илмий жиҳатдан асосланган, назарий пухта ишланган, тилнинг объектив тараққиётига хизмат қиладиган орфографик қоидаларгина яшовчан бўлади, шу тилдан фойдаланувчилар учун заруратга айланади. Лекин 1956 йилги қоидаларда бундай ҳолатлар бошқача тарзда талқин этилган. Масалан, Фаҳри Камолнинг ёзишича: "Русча **щ** ҳарфи сўзларнинг барча ҳолларда **шч** билан ёзилиши адабий талаффузга мос келади ва **щ** ҳарфининг имлосида хилма-хилликини тугатиб, қоидадаги бирликини вужудга келтиради". Назаримизда, "қоидада бирлик юзага келган" бўлса-да, адабий талаффуз ва ёзувда ушбу қоида орқали русча талаффузини сақлаб қолишга ҳарвақт қилинган.

Мазкур масала 1995 йилдан кейин лотин ёзувиге асосланган алифбомизда янада ўзгача моҳият касб эта бошлади. Чунки русча **щ** ҳарфи

ўрнида қўлланиб келинаётган **ш** ва **ч** ҳарфлари учун энди ҳарф бирикмаларини қўллаш бошлади. Масалан, **ishchi, ishchan, kurashchan, boshchi, kurashchi** каби ёза бошладик. Агар эътибор берилса, келтирилган мисолларнинг барчаси туб ўзбекча сўзлар, шу сабабли ҳам ularning ёзилиши ва талаффузида ҳеч қандай қийинчилик сезилмайди. Агар сўз ўзлашган, аниқроғи, русча **щ** ҳарфи ўрнида қўлланинган **шч** бирикмаси бўлса-чи? У ҳолда масала анча мураккаблашади.

Авалло, русча **щ** ҳарфи сўзлар имлосида 1940 йилги тавсия қилинган орфографик қоидаларни қўллаш, яъни чўзиброқ айтиладиган **щ** товуши, "айтилишига мувофиқ ҳарвақт бир **ш** билан ёзилиши" мақсадга мувофиқдир. Натижада **ши, плаш, борш, ямшик, община** каби ёзилишлар юзага келади ҳамда уларни ўзбек лотин алифбосида **shi, plash, borsh, yamshik** тарзда ёзиш имкони яратилади. Акс ҳолда, мазкур сўзлар компьютер дастурлари орқали лотинча алифбога ўғирилганда **shchi, plashch, borshch, yamshchik** тилидаги ёзувлар ҳосил бўлиб, амалиётда қийинчиликлар пайдо бўлади. Айниқса, сўз бошида **w(sh)** ва **ch(ch)**нинг ёнма-ён ёзилиши адабий талаффузга қийинлаштириб, кулгили бир вазиятни пайдо қилиши эҳтимолдан холи эмас. Буни қуйидаги атоқли отлар мисолида қиёслаб кўриш мумкин: **Scherbitskiy-Sherbitskiy, Schedin-Sherdin, Shcherbak-Sherbak, Shchors-Shors**.

Ўқорида таъкидланганидек, русча **щ** ҳарфи сўзларни **шч**

бирикмаси орқали ҳам ёзиш мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд. Бунда **ш** ва **ч** ҳарфларининг алоҳида бўлиши талаб этилади. Масалан, **мешчан, помешчик, Радищев** тилидаги сўзларда **шч** ёзиш мумкин. Бу ҳолат талаффузда ҳам, бўғин ҳосил қилишда ҳам ноқулайлик келтирмайди: **meshchan, pomeshchik, Radishchev**. Кўринадики, ўзбек лотин алифбоси деярли барча турдаги ҳодисаларни миллий манфаат нуктаи назардан тўғри акс эттириш имкониятига эга.

Демак, русча **щ** ҳарфи сўзларни ўзбек имлосида **w(sh)** ёки **ch(shch)** орқали ифодаланишига ўзига хос усуллари мавжуд. Бироқ ўзбек лотин алифбосида мазкур масала анча мураккаблашади. Бунинг асосий сабабларидан бири — 1956 йилги имло қоидаларимизда мазкур ҳодисанинг моҳияти етарли даражада ўрганилмагани ҳамда тегишли орфографик қоида билан таъминланмаганидир. Бугунги кунда — матнлар компьютер дастурлари орқали ўғирилётган пайтда **w(sh)** ёки **ch(shch)** қўлланишининг ўринларини пухта ўрганиш талаб этилади. Акс ҳолда, имловий нотўғри ёзувлар орфоэпик меъёрларнинг бузилишига олиб бориб, алифбодаги товуш ва ҳарф мослигига эътибор етказиши ҳамда сўзни бўғинларга ажратишда муаммоли вазиятларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис тузилаётган имло лугатлари, нашр қилинаётган дарслик ва ўқув қўлланмаларида мазкур муаммога жиддий эътибор қаратилмоғи зарур.

Равшан ЖОМОНОВ,  
филология фанлари  
номзоди



## Bugunning gapi

## АНЪАНАВИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ КИТОБХОНЛИК

ҳар иккисининг ҳам ўз ўрни бор

Китобда нодонга ақл, бедидга фаросат, жоҳилга маърифат, ғамнокча қувонч, дардмандаги шифо бера олувчи куч мумкин. Китоблар мазмунига кўра, бир неча турларга бўлинади: тарихий, бадий, илмий-оммабоп, болалар адабиёти, фанга оид қўлланма, дарсликлар, лугатлар. Қандай мазмунга эга бўлишдан қатъи назар, китоблар инсон руҳиятига йўлдош эканини тан олмай иложимиз йўқ.

Инсоният тараққиётида китобларнинг қанчалик улкан аҳамият касб этганини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Тарихга назар солсак, алломаларимиз ҳаётида бир умумийлик кўзга ташланади. У ҳам бўлса, уларнинг илмга ташналигиди, адабиётга меҳри баландлигиди, китобни қадрлай билишида намоён бўлади. Жумладан, Алишер Навоийдек даҳо сиймо устоз дея улуғлаган Абдурахмон Жомий китобни ўзининг энг яқин дўсти, қадрдон биродари, садоқатли йўлдоши деб билган:

Жаҳонда китобдин яхши ёр бўлмас,  
Давр ғамхонасида ғамгусор бўлмас...

Киши китоб мутолаа қилиш жараёнида турли маълумотларга эга бўлади, фикрлар доираси кенгайди, ноқийлик санъатини эгаллайди, инсоният, атроф-муҳит ва жамиятда вужудга

келадиган муаммоларни таҳлил этиш, хулоса чиқариш, қарор қабул қилиш кўникмаси шаклланади.

Ахборот хуружлари кескин тус олган замонда нечоғлик муваффақиятга эришганимиз китоб ўқиш маънаси билан ҳам белгиланади. Ҳозирги глобаллашув даврида китобга муносабат анча ўзгарди. Бугун ўқувчилар босма нашрлар — китоб, журнал, газетанигина мутолаа қилиб қолмай, балки компьютер экранлари орқали тайёр матнга кўз югуртириши имкониятига эга. Бошқача айтганда, ёш китобхонлар мутолаасида аввалги одатларни рад этиш, янги усуллари қўллаб-қувватлаш кайфияти юзага келди. Бу эса ёшларда китоб мутолааси билан боғлиқ қуйидагича ҳолатлар қайд қилинишига сабаб бўлмоқда:

- мутолаа мақоми ўзгарди — ўқувчилар китобга ахборот олиш ҳамда оммавий коммуникация воситаларидан бири эмас, дегандек муносабатда бўла бошладилар;

- мутолаа давомийлиги кўзга ташланмапти, яъни болалар ва ўсмирлар бўш вақтларини китоб ўқишга эмас, замонавий коммуникация воситаларида ишлашга сарфламоқдалар;

- мутолаа характери бошқача кўриниш касб этди — ўқиш янада индивидуалроқ бўла бошлади;

- тор йўналишдаги мутолаа зару-

рият пайдо бўлди — ҳозир ўқувчиларнинг китоб ўқишга эҳтиёжи аксарият ҳолатларда ўқиш ва иш юзасидан бўлиб қолди, бадий адабиётлар мутолааси анча чекланди.

Шундай қилиб, анъанавий китоб ўқиш моделида алмашинув ҳодисаси юз берди. Бу замона зайли бўлиб, ёшларнинг янги ахборот технологияларини эгаллаши шарт ва зарур бўлиб қолди. Улар электрон почта орқали бир-бирлари билан алоқа боғлаб, ахборот алмашаяптилар, таълим олмақдалар... Аммо китоб ўқиш, ундан маънавий озуқа олишдек муҳим машғулот ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмаслиги керак, деб ҳисоблаймиз.

Анъанавий ва замонавий китобхонликни ўзаро зид қўйиб бўлмайди. Аксинча, бир-бирини тўлдирувчи воситалар деб қараш ўринлидир. Шу боис юртимиздаги қўллаб қасб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари қошида аввалги кутубхоналар ўрнига ахборот-ресурс марказлари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Жумладан, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ахборот-ресурс маркази талабалар ва профессор-ўқитувчилар қадами узилмайдиган масканлардан бири. Марказнинг умумий фонди 950.963 нусхадан иборат бўлиб, шундан илмий адабиётлар 113.981, ўқув



адабиётлари 743.928, бадий адабиётлар 69.247, ижтимоий-сиёсий адабиётлар 23.807 нусхаси ташкил этади. Марказдаги 16та компьютердан 15таси ўқув залида жойлашган. Ҳар бири орқали илмий ишлар, рефератлар, дарслик ҳамда ўқув адабиётларининг электрон базасидан фойдаланиш мумкин. Электрон кутубхонада 200та ихтисослик фанидан маъруза матни, 99та фандан машғулларга мўлжалланган фильмлар мавжуд.

Китобхонликнинг анъанавий ва замонавий имкониятларидан унумли фойдаланиб, эгаллаган билим захирасини яхшилик ва эзгулик йўлида сарфлайдиган, жамият тараққиётига ўз улушини қўша билладиган, мамлакат истиқболини ўз тақдир билан боғлиқ ҳолда кўра оладиган кишилар орамизда кўпчиликини ташкил қиладди. "Анъанавий" деганда китоб мутолаа қилишни назарда тутган бўлсак, "замонавий" деганда компьютер технологияси орқали ўқиб-ўрганиш жараёнини инobatга олдик. Демак, маърифатпарвар инсон ҳар иккисидан унумли фойдаланади, шу тариқа ўз олдига қўйган мақсад-муддаосига эришади.

Умида ЭРГАШЕВА,  
Низомий номидаги ТДПУнинг  
педагогика кафедраси ходими

Инсонни севиш мумкин, лекин уни тушуна олмаслиги азоб. Онаизоринг сени икки дунё орасида топгани, бу оламда ундан-да меҳрибонроқ гамхуринг йўқлигини биларсан, ammo унинг қалб кечинмаларини уқолмадингми, нодонлигинг бир куни армонлар гирдобига ташлаши тайин. Утаётган ҳар бир дам ганиматлигини, эҳтимол, тақдор-тақдор эшитгандирсан, лекин бунини юракнигинг жизиллаб ҳис этмадингми — ҳаммаси бекор!.. Бу каби кечинмалар, тўғрироғи, йўқотишлар хусусида узоқ мушоада юриштиш мумкин. "Сабоб" излаб эса фақат биргина жавоб атрофида фикрларимиз тўқнашади — "Тушунмаслик!". Ха, "Тушунмоқ — дунёни англаш" деган иборанинг маъноси жуда кенг ва "тушуниш"нинг хосиятлари биз тасаввур этгандан ҳам кўра шафобатлироқдир.

Хеч ўйлаб кўрганмисиз, нега инсон кўпинча ўзи атрофидагиларни ёки бошқалар уни тушунмаслиги ортидан

азият чекади? Қалб кўзи билан олам ва одамни борича тушунишнинг ҳадисини қандай сабоқлар орқали эгалламоқ мумкин? Фарзандларимизнинг нафақат зуқко ва билимдон, меҳрибон ва оқибатли, жисмонангина эмас, руҳан ва маънан ҳам соғлом ва етук, яхшиликларни қадрлагувчи ва гўзалликни эъозлагувчи, хуллас, ҳаёт ҳикматини идрок эта олувчи шахс бўлиб етишишлари учун нималарга эътибор қаратмоқ жоиз?

Келинг, биргалишиб мушоада юри тайлик: мамлакатимиз истиқлолга эришган, биринчи эътибор ёшлар таълим-тарбияси масаласига қаратилди. Мактаблар, академик лицейлар, касбухона коллежлари замонавий андозларга монанд тарзда бунёд этилди, бугунги кун талаблари даражасида жиҳозланди. Келажаги хусусида қайғурган миллат ва мамлакатгина ана шундай йўл тутати. Бу борадаги галдаги вазифа эса мусиқа ва санъат мактаблари

ҳаётини тубдан янгилашга йўналтирилди. Нега? Биз юқорида тилга олганимиздек айнан руҳият, маънавият, маданият, дунёни тушуниш ва англаш — камолот тарбиясининг энг моҳир мураббийси САНЪАТДИР! Лекин ўғил-қизларимиз унинг сабоқларини ўқимоғи ва ўқмоғи учун аввали биз катталар САНЪАТнинг қувватини англай билмоғимиз, бола-ларимизнинг ҳижжалаб ўрганишига кўмаклашмоғимиз даркор.

Муҳтарам муштарий, биз ушбу янги рух остида берилмак сўхбатларимиз орқали санъатнинг асл мазмун-моҳиятини тўлароқ ҳис этишингиз, унинг дунёсига кириб боришингизга кўмаклашишга, бу мўъжизакор оламнинг қат-қатидаги сеҳрга ошно этишга ҳаракат қилмоқчимиз. Мутахассис билан уюштирилаётган мулоқотлар тасвирий ва амалий санъат намуналари,

## Yangi rukn: Mo'jiza qatidagi mo'jiza

мусликий жавоҳирларимиз тараннумидаги оҳанрабо, кинофильм, спектакль, ракс, кўшиқ... орқали сизга етказилмоқчи бўлинган-у, баъзида илғамай қолганингиз, улардаги бир қараганда тинглаб, томоша қилганда кўзга ташланмас ижодкорнинг ғояси, муҳлисига айтмоқчи бўлган "gap"ини тушунишингизга, маълум маънода билим ва тафаккурингизни-да бойитишингизга хизмат қилишидан умидворимиз.

Қамолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси, санъатшунос Зухра Раҳматова билан уюштирилган бугунги мулоқотни мавзуга кириш ўрнида қабул қиласиз.

# ҚАЛБ КЎЗИ ҲАҚИДА СЎЗ

— Яқинда ногаҳон бир суҳбатнинг гувоҳи бўлдим-у, анчагача ўйлаиб юрдим: автобуснинг орқа ўриндиқларидан ўтирган уч-тўрт дугона дарсадан сўнг устозни кўргазмага олиб боришни ташкил этгани ва улар арағ қочишганидан хурсанд бўлиб гурунглашарди: "Музейга борсан ҳам, энг яхши рассомлар ижодини томоша қилсан ҳам, ҳеч нарсани тушунмайман", дерди улардан бири. "Талабалик ҳам ўтади-кетати, ундан кўра музаймоққа бориб, гап сойтиб ўтираемиз..." дерди иккинчиси. Уларни бир жиҳатдан айбладим, лекин иккинчи томондан кўрган нарсангни тушунмасанг ҳам қийин-ди! Ҳўш, нега санъатни ҳаммаимиз бирдек тушунавермаймиз? Умуман, бу мўъжизакор олам каттидаги сеҳрни илғаш инсонга нима беради? Болаларимизнинг санъатга ошуфта бўлиб улгайиши учун нималарга эътибор қаратишимиз зарур?

— "Тушунмаслик", келинг, суҳбатимизни ана шу иборатга озгина бўлса-да ойдинлик киритишдан бошлаялик: мутахассисларнинг фикрича, ҳомлача уч ойлик бўлганда юраги шақланган, ҳис қила оладиган даражада бўлар экан. Фарзанднинг келажагига умид боғлаган, унинг гўзал фазилатлар соҳиби бўлишини орзу қилган она айнан шу даврда мумтоз наволарни тинглаши, рассомларнинг ўзига ёққан асарларини томоша қилиб таассуротларини ўзича шивирлаб боласига сўзлаб бериши, гўзалликка интилиши ва атрофдан ҳарорат, илиқлик топишга ҳаракат қилиши керак. Бунинг учун ортиқча ҳеч нарса талаб этилмайди-ку?! Бولا боғчага қатнай бошлагач, она ва тарбиячи ҳам-фикрликда кичкинтойнинг ёшига мос картиналарни томоша қилиши, табиат манзараларини қорғозга тушириши, чизганлари, кўрганларини сўзлаб беришига эътибор қаратиши лозим. Мактабгача таълим муассасаларида ҳам кўргазмалар ташкил этиши, бу кўргазмаларга тарбияланувчиларнинг ишларидан ҳам намуналар қўйиш, уларни қўлидан тутиб музейлар, турли томошаларга олиб бориш яхши натижа беради. Шундай йўл тутмоқ керакки, эркатойинлигининг бўйи, тафаккури, ёши, қарашлари, тушунишдек хислатлари бирдек ривожлана борсин. Буюк шахсларнинг таржimai ҳолини кўзатсангиз, уларнинг асарияти атрофида санъатни севиши, эъозлашга ундовчи муҳит ҳукм

## Биринчи сабоқ

сурган, қайси соҳа этагини тутишидан қатъи назар санъатнинг бирор тури билан шуғулланган. Уларнинг катта-катта кашфиётларга қўл уриши, бе-назир асарлар яратишига санъат руҳлантириб, иштиёқ, қувват ато этиб турувчи куч вазифасини ўтаган. Санъатга ошно бола барча фанларни иштиёқ билан ўзлаштириди, дўстликни қадрлайди, бир сўз билан айтганда, кўнгил билан «ҳисоблашиб» яшашга ўрганади, ҳеч қачон ёмонликка қўл урмайди. Юқоридаги фикримизга қайтсак, фарзандимиз боғчадан мактабга ўтди — энди уни кўргазмаларга олиб боришдан аввал ўқитувчи, рассом ва санъатшунос бир давра атрофида ўтириб, тадбирни қандай уюштириш хусусида кенгашиб олмақлари жоизки, ўқувчи кўргазма доирасида долзарб мавзуларга оид билимлар ҳам олсин. Чунки энди у ўз тушунчаси, қарашига эга, вақти ганимат. Керак бўлса, кеча олдиндан рассом билан жонли мулоқот ташкил этиш, кўргазма мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб кичик саҳна асарларининг қўйилиши, мусликий ҳамонхонлик тадбирнинг мароқли ўтишига хизмат қилади. Бундай учрашувлардан сўнг синф раҳбари, албатта, маънавий соатлар ташкил этиб, таассуротларни тинглаш, умумлаштириш масаласига эътибор қаратиши керак.

"Тасвирий санъатни тушуниш инсонга нима беради?" деган саволга, яхшиси, ўзимнинг кечинмаларим асосида жавоб бера қолай: голландиялик рассом Рембрант Ван Рейнинг "Адашган ўғилнинг қайтиши" деган асари бор. Бир қараганингизда оддий ҳолат: ўйчан боқиб турган ота ва хароб аҳволдаги ўғилни кўрасиз. Лекин асарни мантиқан тушуниш орқали ота деган зотнинг нақадар буюклиги, унинг қадрлига етиш, насихатларига қулоқ тутиш, фарзандлик ҳаққини адо этиш инсон ҳаётида қанчалар катта аҳамият касб этишини ҳис қиласиз. Мен ушбу асарни кўргач, анча пайтагача таъсирида яшаганман. Чунки "Адашган ўғилнинг қайтиши" сизни узоқ-узоқ ўйларга толдирмай қўймайди. Ана шу "уй", менимча, энг катта тарбиядир! Ёки ўзбек тасвирий санъат усталари яратган, мамлакатимизнинг мустақилликкача ва ундан кейинги ҳаёти акс этирилган асарлар борки, улар кўнгилгизда гурур, ифтихор хисларини жўш урдиради. Шукроналикка, фалсафий мушоа-



да юритишга ундайди. Ватандан, унинг юксалишларидан фахр-ифтихор туйғуларини тусиз дилда. Бундай асарлар кишини руҳлантиради, ишонч билан эъзуқликларга бел боғлашингизга туртки бўлади. Санъатни тушунган одам ҳаётнинг ўқир-чўқирларида ҳам тўғри йўлни топа олади. Мен ҳарбий мамлакатларга кўп бораман ва бундай иходий сафарларимда ўзбек тасвирий санъат асарларининг ноёб намуналари миллат ва мамлакат ҳаёти, халқимизнинг тарихи ва орзу-умидлари, шаҳдам одимларимиз ҳақида дунё аҳлига сўзлаб берувчи манба эканига кўп бора амин бўлганман.

— Икки болажон берилиб расм чизаяпти. Иккаласининг ҳам олдида бўёқ қаламлари тўпلامي жам. Лекин бирининг тасвирида тўқ, иккинчисиникида эса ёрқин ранглар аксини кўраман. Албатта, бу каби ҳолатлар сабаби психологик кузатишлар орқали ойдинлашади. Тасвирий санъат айна пайтада театр, кино, ракс санъати, дизайн-мода олами... тараққийига ҳам маълум маънода ҳисса қўшади. Шундай эмасми?

— Ранг ва чизгилар — руҳиятнинг кўзгуси. Сиз айтган расмларини ёрқин рангларга бўяётган кичкинтой ҳаётдан мамун, кўнглида хотиржамлик. У бахтиёр болалик оғушида. Иккинчиси эса руҳий маддага, эътиборга муҳтож... Болаимизга расм чиздириш орқали ҳеч кимга айтмаётган кечинмаларидан ҳам воқиф бўлишимиз мумкин. Тасвирий санъатнинг бошқа соҳалар ривожига таъсири ҳақида сўзлашдан олдин баъзи жанрлар хусусида тўхталиб ўтмоқчиманки, бу бевосита мавзумизга дахлдордир. Масалан, тарихий жанр. Рангтасвирийнинг бу жанрида инсоният ўтмишидаги муҳим воқеалар, қаҳрамонлар

ака эттирилади. Рассом мазкур жанрда асар яратишни мақсад қилар экан, воқеликнинг муҳимлигини англаб етиши, воқеа содир бўлган давр ҳақидаги манбаларни ўрганиши, археологик топилмалар билан танишиши, тарихчилар билан суҳбатлашиши, шу аснода яратилажак асар деталларини аниқлаштириб олиши шарт. Демакки, ана шундай изланишлар самарасида яратилган асар кун келиб саҳна асарлари, миллий ва замонавий дизайнга ўйғун модалар, янги тарихий илмий, бадий асарларнинг яратилишига таъин-манба сифатида хизмат қилади. Ёки кишиларнинг турмуш тарзи, кундалик ҳаётини қамраб оладиган маъийий жанрдаги асарлар кечаги кунимизнинг нафасини беради, аждодларимизнинг урф-одат ва аънаналари, кийиниши, юриштириши... барча-барчасидан воқиф этади. Жанрларнинг ўзига хосликлари хусусида кейинги суҳбатларимизда батафсил фикр юритамиз, деган ни-ятданман.

— Инсоният яралибдики, тасвирий санъатга ўзида эҳтиёж сезган. Дейлик, қотшошлардаги чизгилар, археологик қазилмалар давомида учраётган ашёлар... Бу ибтидоий одамнинг ҳам озми-кўпми санъатни тушунганидан дарахтми ёки тасвирлардан маълумот сифатида фойдаланилгани да-ролатими?

Бугун Ўзбекистон ўз санъати билан дунё аҳлини лол этмоқда. Машҳуқларимизнинг чиқишлари хоржикинг энг нуфузли саҳналарида олқишлар ила қарши олинаётир. Тасвирий ва амалий санъатимизнинг гўзал намуналари дунё аҳлини лол қолдириб келмоқда. Бу қалбимизни фахр, ифтихорга тўлдирди. Шундай экан, ким ва қайси соҳа вақили бўлмайлик, санъатнинг қат-қатламидagi мўъжизани тушунишга ҳаракат қилайлик.

Навбатдаги суҳбат-дарсимиз Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедовнинг тасвирий санъатининг турли жанрларига оид асарлари талқини ва таҳлилига бағишланади.

Ойбуви ОЧИЛОВА

# ЎЗИМ ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛДИМ

Aks sado

«Ma'rifat» gazetasi 2012 йил 12 декабрь сонидagi «Виртуал маданият муносабатлар занжиридagi янги халқа(ми?)» деб номланган мақолани ўқиб, ўйга толдим. Унда бугун ёшларимиз орасидagi долзарб муаммо — турли замонавий техника воситаларидан фойдаланишда она тилимизга нисбатан безътибор ёндашаётганлиги кўтарилган. Наҳотки, келажакимиз бўлган ёшлар бир-бири билан ёзишмаларда йўл қўйиб, хатоларга йўл қўймоқда? Бунинг асосий сабаблари нима? Мазкур саволлар кун бўйи мени уйлантирди. Чунки менинг фарзандларим ҳам шундай хатolikларга йўл қўйиб юрган бўлиши эҳтимолдан холи эмас-ку! Саволларни таҳлил қилганга иш вақти туғашини интиқлик билан кутдим. Оиламизда кеч соат саккиз-

дан сўнг фарзандларимизнинг телефонини ўчириб, олиб қўйиш аънаси бор. Одатда гидек телефонларни олиб, шафга солдим. Телефонни титкилаш одатим йўқ, аммо шу тобда уларни текшириб кўрмоқчи бўлдим. Болаларни ёнимга чақирдим ва бирин-кетин телефонларни ёқиб кўра бошладик. Биронтасининг телефонидан зўравонлик, шафқатсизлик, беҳаё расм ва тасвирлар чиқмади. Кўнглим таскин топди. Навбат СМСларни «текшириш»га келди. Коллежда таҳсил олаётган қизим, навбат унга келганда бесаранжом бўлиб, дарс тайёрлаши кераклигини ва тезроқ «тафтиш»ни тугатишимни сўради. Мен эса шовмасдан телефондаги ёзишмаларни ўқий бошладим. Мақолада тилга олинган ҳолатга шу тобда дуч келдим:

қизимнинг телефон хабарлари матнларида «ш» ҳарфи ўрнига «w» ва «рақамли» нотўғри ҳарфлар ҳам талайгина экан. Фарзандларимни койишдан аввал ўзимни айбдор ҳис этдим. Негаки, фарзандларимнинг қанчадир вақтини СМС ёзишга сарф қилгани, она тилига бунчалик ҳурматсизлиги ўртоқларига ҳам бу ишларни нотўғри эканини тушунтиришнинг тайинладим. Сўнгра ёзишмаларнинг мезъери, унга кетадиган вақтни фойдали нарсаларга, яъни китоб ўқиш ёки дарс тайёрлаш, тикиш ва тўқишга сарфланса, билими ортишига ёки бирор касб-

хунарни эгаллашга туртки бўлишини такрор-такрор уқтиришга ҳаракат қилдим. Бундан сўнг телефонларини мунтазам текшириб боришимни ҳам айтдим. Қилган ишимдан кўнглим бироз хотиржам бўлди.

Шу ўринда ҳар бир ота-она фарзандининг нима билан шуғулланиши, компьютерда қанча вақтини сарфлаши, мобил телефондан нима мақсадда фойдаланишини суриштириб назорат қилиб туриши мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Зеро, «ишдан чарчаб келдим ўзи, ҳа, болалар ҳам ўзи иши билан юргандир-да» деб асосий вазифага эътиборсиз ёндашаётган ота-оналар қаттиқ янглишадилар.

Биз ота-оналар фарзандимиз қачон, қаерда нима иш билан машғуллигини, улар

тарбиясига нақадар масъуллигимизни бир дақиқа ҳам ёддан чиқармаган ҳолда назоратни аввало оиладан бошласак, фарзандларимиз тарбиясига таҳдид солаётган хавфларнинг олдини олишга эришамиз.

Азиз ота-оналар, фарзандингизнинг уяли алоқа воситаси ёки компьютердан нима мақсадда фойдаланаётганини мунтазам кузатиб, эътибор қилиб борсангиз; мобил телефондаги хабарлар матнини, ундаги хатоларни текшириб, тушунтириш ишлари олиб борсангиз; компьютерда ишлаш ва интернетдан керакли маълумотни тезроқ олиши учун маълум вақтни белгиласангиз таълим-тарбияда муваффақиятга эришишингиз шубҳасиз.

Шарофат АБДИҲАМИДОВА

**Экологик муаммолар тадқиқотчилар диққат марказида турган бир пайтда табиий офатлар, уларнинг юзага келиши сабаблари ҳануз жумбоқлигича қолмоқда. Бугун ҳам дунё олимлари томонидан табиат инжиқликларини олдини олиш билан боғлиқ кўплаб тадқиқотлар олиб борилаётган бўлса-да, уларнинг аксарияти ҳамон ўз ечимини топмаган. Табиатга жиддий хавф солаётган ана шундай офатлардан бири — торнадо мутахассисларни жиддий ўйга толдирапти.**



торнадо янада даҳшатли тус олиб, кучли чанготиқ мисоли даҳлат-у уйлари «юта» бошлайди. Ҳаммаёқни пайҳон қилиб бўлган, учинчи босқичга ўтиб аста секинлайди.

Сайёрамизнинг ҳар ерида дуч келиш мумкин бўлган ушбу даҳшатли офатнинг келиб чиқиш омиллари нега аниқ илмий асослаб берилмапти? Тадқиқотчилар мазкур табиий офат билан боғлиқ бир неча лойиҳалар устида иш олиб бормоқда. Уни олдиндан башорат қилиш ва билишининг имкони бўлмаса-да, метеорологлар компьютер

тиришлар вақтида ҳушёр туришни маслаҳат беришмоқда.

1980 йили олимлар содир бўладиган тўрт торнадодан бирининг юзага келишини олдиндан айта олишган бўлса-да, бугунга келиб Оклахома штатининг Миллий лабораторияси метеорологлари тўрт торнадонинг учтасини олдиндан аниқлаб, одамларни огоҳлантиришга улгуришмоқда.

1984 йили Американинг Атлантика қирғоғида содир бўлган довул соғ атига 270 километрдан юқори тезликда юзга келиб, торнадо ҳосил бўлишига сабаб бўлган, деб ёздади Буюк Британиянинг «Таймс» («The Times») нашри. Газетада ёзилишича, Виржиниядан Мэн штатигача етиб келган торнадо Жанубий ҳамда Шимолий Каролина штатларига ҳам жиддий талафот етказган. Манбаларда келтирилишича, соат миллари кечки 18:00ни кўрсатганда Жанубий Каролинадаги рақс мактабларининг бирида олиб борилаётган машғулот чоғида болалар осмонда қақнаган яшил чақиндан ваҳимага тушишди. Бир неча сониялардан сўнг даҳшатли овоздан кўриб кўчага чиққан болалар бинонинг гишлари кўчиб ташаётганига гувоҳ бўлишган. Бу ҳолдан руҳий таъсирланган болаларнинг аксарияти оғир хасталикка чалиниб, узоқ вақт даволанишга мажбур бўлишган.

Юқорида таъкидланганидек, метеорологлар 2011 йилдан буён шамол бурони содир бўлишидан 15 дақиқа аввал одамларни огоҳлантира бошлаган. АФСУски, айрим лойқад инсонлар метеорологларнинг огоҳлантиришига бепарволик билан муносабатда бўлиб, ўз умрига зомин бўлган. «Компьюлентс» сайтида ёзилишича, ана шундай огоҳлантиришга қарамай, Американинг Оклахома штатига ёғилган табиий офат бир суткадан камроқ вақт ичида шахарни вайронага айлантирган. Табиий офат натижасида пойтахтдан 225 километр узоқликдаги Вудворд шаҳарчаси катта зарар кўрган. Маҳаллани аҳолидан 5 нафари ҳалок бўлган ва 29 киши жароҳатланган.

Айни дамда ушбу табиий офатдан қутулишининг айрим чораларидан бири қуюн бошланган вақтда автомашиналарда қочиб қолиш, ертўлага кириб жон сақлаш ёки телефон орқали шаҳардан шаҳарга хабар бериб, инсонлар ҳаётини сақлаб қолишдан иборат бўлиб қолмоқда. Аммо бу муаммонинг оқилона ечими эмас. Юксак технологиялар даврида олиму мутахассисларнинг тинимсиз изланишлари натижасида яқин келажакда бу табиий офатнинг олдини олиш, уни бартараф этиш чоралари топилса, ажабмас.

Гулюз ОРИФЖОНОВА тайёрлади.

## ТОРНАДОДАН ҲИМОЯЛАНИШ МУМКИН(МИ?)

унга қарши чора-тадбирлар метеорологлар томонидан аниқланмоқда

Кучли шамол натижасида юзага келадиган торнадо табиатнинг шафқатсиз офатларидан бириндир. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, қуюн йил давомида 1300 мартабагача содир бўлар экан.

Океанортидаги Табиий экстремал тадқиқотлар маркази олимларининг таъкидлашича, торнадонинг шиддат билан бошланувчи дастлабки жараёни ердан осмонга кўтарилган шамол гирдобини билан кечади. Унинг радиуси 1,6 километрни, оралиқ масофаси 160 километргача етади. Давомийлиги эса бир неча дақиқадан бир неча соатгача чўзилиши мумкин. Аксарият ҳолларда тўфоннинг вужудга келишида об-ҳаво бирламчи ўрин тутди. Турли тезлик ҳамда баландликдаги иссиқ ва совуқ ҳароратлар бирлашиб, шамол билан тўқнашганда торнадо ҳосил бўлади. Бундай шароитда юзага келган шамол атмосферда кўринмас ҳаво қувурларини ҳосил қилиб, момақалдироқ ҳам юзага кела бошлайди.

Айрим манбаларда ёзилишича, узоқ кузатилган торнадо 1917 йили Америка Қўшма Штатларида 7 соату 20 дақиқа давом этган.

Шиддатли тўфон натижасида юзага келган шамол ва ёмғир соатига 300-400 километр тезликда эсиб, бир неча дақиқа ичида шаҳарларни харобага айлантиради. Бу каби буронлар минглаб ўй ва биноларни ер билан яқсон қилиб, мамлакатга жуда катта зарар етказди.

Табиий офатдан одамларни қутқариш амримаҳол бўлиб, аҳолини бошпана билан таъминлаш, офат кел-

тирган зарарни қоплаш суғурта компаниялари зиммасига катта масъулият юклайди. Торнадодан сўнг аҳоли турар жойлари урушдан кейинги манзарани эслатади. Ҳанузгача бор-бурдидан айрилган одамларга суғурта компаниялари маблағ ажратиб, ҳар бир хонадон, ҳар бир аҳоли пункти қайта тиклангунга қадар бош-қош бўлишмоқда. Инсонлар ҳаётини асрай олмаслик энг катта бахтсизлик бўлса, қайта қуриш ишларининг ҳам қимматга тушаётгани олимлар учун жиддий муаммага айланган. Шунингдек, тадқиқотларга ҳалал бераётган об-ҳаво, момақалдироқ ва чақмоқ торнадо бошланишини олдиндан билишга тўсқинлик қилмоқда.

«ФизОрг» манбасида келтирилган статистик маълумотларга кўра, 1965 йилнинг апрель ойида АКШнинг ғарбий қисмида 270 нафар инсон ҳаётига зомин бўлган 37та торнадо қайд этилган. Бундай ҳолатлар Ҳиндистон, Бангладеш, Япония, Аргентина, Бразилия, Австралия каби давлатларни ҳам четлаб ўтмаган. Шунингдек, Европа қитъасида ҳам кучли торнадо қуюнининг содир бўлиши кузатишган.

Табиатнинг бу хатарли ҳодисаси юзасидан тадқиқот ишлари олиб борган олимлар торнадонинг содир бўлиши уч босқичда кечишини таъкидлайдилар.

Биринчи босқичда осмонда ҳосил бўлган совуқ ҳаво айланма ҳаракат билан катта тезликда ерга ақинлашди. Ҳавода муаллақ айланувчи бу шиддатли ўрама атрофдаги жимкин нарсани ўз домига тортади. Иккинчи босқичда ер билан «туташган»

**ҲАВОНИ ТОЗАЛАШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ**

Копенгаген университети (Дания) ходими Мэтью Жонсоннинг атмосферадаги органик моддаларнинг парчаланиши билан боғлиқ фотохимёвий жараёнларнинг нухсасини олувчи қурилма учун патент олгани ҳақида "Компьюлента" нашри хабар берди. Табиий жараёнлардан фарқли равишда бу ерда органик бирикмаларнинг парчаланиши сезиларли даражада тезроқ кечади. Яхлит жараённи амалга ошириш учун умумий ҳисобда ихчам тозаловчи комплексга жамланган 5та идиш керак бўлади.



Бунинг учун ҳеч қандай филтър, кўп энергия ва ҳатто қувур ҳам талаб қилинмайди. Тозаловчи қурилманинг иш тартиби жуда оддий. Худди атмосферадаги каби,

юқорига кўтарилгач, органик бирикма зарралари молекулаларни парчаловчи ультрабинафша нурлар билан тўқнашади. Бироқ органик моддаларнинг маълум қисми бу таъсирдан "омон қолади", уларни ультрабинафша нурлар ёрдамида батамом тугатиш учун эса жуда кўп вақт керак бўлади. Бунда атмосферани тозаловчи учинчи табиий механизм ишта тушади: органик моддалар қолдиқлари қаттиқ жисм зарралари кўринишида томчи пайдо бўлувчи марказни ҳосил қилади ва томчилар билан ерга тушади. Қурилма ёрдамида сунъий томчилар бешинчи идишдан сизиб чиқади.

Охир-оқибат қурилмадан тоза ҳаво чиқади ва уни ҳидсизлантириш учун баланд қувурлар ҳам шарт эмас. Тозалашнинг бу усули атроф-муҳитни ифлослантирувчи кимёвий корхоналар ишида фойда бериши мумкин.

**АНДРОМЕДА АТРОФИДАГИ ГАЛАКТИКАЛАР АНИҚЛАНДИ**

Сидней университети астрономлари Андромеда атрофидаги кичик йўлдош галактикаларининг катта қисми бир текисликда айланишини аниқлашди. Мазкур тадқиқотга оид мақола "Nature" журналида эълон қилинди.

Андромеда кўп йиллар давомида Канада-Франция-Гавайя телескопи ёрдамида кузатиб борилди ва 2008—2011 йилларда PAndAS лойиҳаси доирасида олимлар рекорд даражадаги яқинликда унга ёнма-ён жойлашган галактиканинг суратларини олишга муваффақ бўлишди.

Аниқланишича, Андромеда атрофидаги кичик галактикалар орасида фақат бир текислик бўйлаб



айланувчи галактикалар гуруҳи мавжуд экан. Ушбу текислик қалинлиги 30 минг ёруғлик йилини ташкил этади, диаметри эса бир миллион ёруғлик йилидан ортиқ. Қизиқарли томони, Андромеда атрофида айланиш текислиги айнан Сомон йўлига қаратилган.

Тадқиқот натижаси турли кичик галактикалар орасидаги бун-

дай тартибли ҳаракат тасодифан вужудга келмаганини кўрсатмоқда. Бироқ бу ҳодиса астрономлар томонидан изоҳланганича йўқ.

Кичик галактикалар бир неча миллиардлаб юлдузларни қамраб олишига қарамай, бу Сомон йўли галактикаларига қараганда юз мартаба кам. Улар коинотда энг кўп тарқалган юлдузлар тўплами саналади.



**ТЕЛЕФОН ЗАРЯДЛОВЧИ МАТО**

Японияда керакли миқдорда куёш энергиясини ўзига синдириб, уяли алоқа телефони учун заряд мосламаси сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган мато яратилгани ҳақидаги маҳаллий ОАВ хабарини "Интерфакс" ахборот агентлиги тарқатди.

Бундай матодан тиккилан кийим эгаси ўз шими ёки свитерининг энергия манбаини ёқиб, телефонини унга уласа бас.

Ажойиб матони кенг ишлаб чиқариш ҳали йўлга қўйилмаган, негаки, олимларнинг фикрича, уни савдога чиқаришдан аввал баъзи деталларини мукаммаллаштириш керак.

— Савдо-сотик ишларига ўтишдан олдин биз қатор масалаларни ҳал қилишимиз лозим. Гап матонинг устки қопламаси, бириктирувчи симлар ҳамда матонинг яроқлилик муддатини узайтириш ҳақида бормоқда, — дея фикр билдиради Япония саноат технологиялари маркази ходимлари.

Янги кашфиётга қизиқиш билдирган қатор ишлаб чиқарувчилар "Мўъжизавий мато" иxtiroчилари билан ҳамкорлик қилиш ниятида.



**В. ҚАРШИБОВА** тайёрлади.



Қарийб икки ярим асрдан буён мижозларга намунали хизмат кўрсатиб келаётган Швейцариянинг "Wegelin & Co" хусусий банки маъмурияти солиқ тўлашдан бош тортган Америка фуқароларига ёрдам берганлигини тан олди ва ўз фаолиятини тўхтатишини маълум қилди, дея хабар беради "Reuters" агентлиги.

Германиянинг "Munich Re" суғурта компанияси 2012 йилда содир бўлган табиат ҳодисалари дунё мамлакатларига 160 миллиард доллар миқдорда зарар келтиргани, зарарнинг 67 фоизи ва суғурта қилинган офатларнинг 90 фоизи АҚШ давлатига тўғри келишини маълум қилди.

"BBC News" тарқатган хабарларга кўра, 42 ёшли ирландиялик альпинист Иэна Маккивер Килиманжаро чўққисига кўтарилаётган чоғида яшин зарбидан қулаб тушиб, ҳалок бўлган.

Сурия пойтахти Дамашқ шаҳридаги ёнилғи қуйиш шохобасида гаровга олинган машинага ўрнатилган портлаш мосламасининг ҳаракатга келтирилиши натижасида бензинга навбатда турган одамлардан 11 нафари ҳаётдан кўз юмган, 40 нафари эса жароҳат олган.

Массачусетс штатининг Конкорд шаҳри кенгашининг қарорига кўра, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб пластик идишларда литрлаб ёки ундан кўп миқдорда сув сотиш тақиқланди.

Хитойнинг Хэнан провинциясига тегишли хусусий болалар уйида содир бўлган ёнгин туфайли 7 нафар боланинг қурбон бўлгани ҳамда ҳалокат сабаблари ўрганилаётгани ҳақида хабар берилди.

"Маънавият" нашриёти жамоаси "Тафаккур" журнали бош муҳаррири Эркин Аъзамга уқаси **Воҳид АЪЗАМОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия ихор этади.

Республика Таълим маркази раҳбарияти ва жамоаси Методик хизматни мувофиқлаштириш ва педагогик технологиялар бўлими бош методисти Қимматхон Маматқуловага онаси **Сайдинисо МАМАТҚУЛОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Республика Таълим маркази раҳбарияти ва жамоаси Махсус таълим бўлими бош методисти Искандар Латиповга синглиси **Саида САЙДИМАХМУДОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия ихор этади.

**реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон**

**Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти 2013 йил учун катта илмий ходим-изланувчиликка Педагогика назарияси ва тарихи, Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси ихтисосликлари бўйича ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Катта илмий ходим-изланувчиликка ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда докторлик диссертациясига асос бўла оладиган салмоқли илмий ютуқларга эришган, илмий тадқиқотларни юксак савияда олиб бориш ва муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган илмий муаммоларни ҳал қилишга қобилиятли фан номзодлари, олий маълумотли мутахассис дипломига ёки магистр даражасига эга илмий ва илмий педагогик меҳнат стажига эга бўлган кам бўлмаган, илмий изланиш олиб бориш қобилиятини намойён эта оладиган шахслар, мутахассислар қабул қилинади.

Катта илмий ходим-изланувчиликка топшириладиган ҳужжатлар рўйхати:

1. Йўлланма хат (иш жойидан).
2. Ариза.
3. Иш жойидан тавсифнома — тавсиянома.
4. Шахсий варақа ва таржимаи ҳол.
5. Илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларига фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналиш-

лар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нухсалари.

6. Олий таълимнинг барча босқичларидан ўтганлигини тасдиқловчи дипломи, фан номзоди илмий даражаси дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нухсаси (диплом нухсаларида нотариус тасдиғи бўлиши керак).
7. Меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нухсаси.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нухсасини тақдим этадилар.
9. Тиббий маълумотнома(086-шакли).
10. Паспорт ва ҳарбий билет (агар мавжуд бўлса) шахсан кўрсатилади.
11. Етақчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги.
12. Тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси кенгайтирилган режасининг муфассал лойиҳаси.

**Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун муддат ичиде қабул қилинади.**

**Манзилимиз: 100027, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 98-уй. ЎзПФТИ. Телефон: (8-371) 140-02-31, 140-02-26, 140-02-25.**

Янги йил — менинг севимли байрамим. Шу десангиз, орзикиб кутаётган байрам кечамизга мусиқа тўраги аъзоларининг ҳисобот концертини ҳам қўшиб қўйишибди. Унда кимлар катнашади, дейсизми? Мана, бизлар-да! Мактабда нима тadbир бўлса, бизнинг синфимиз стартда! Мана, қўшиқ, мусиқа ҳам биздан "бебахра" қолмади. Э, унбуни кўйинг. Мен жуда ҳажжонланиб кетаяпман. Нимага бўларди, концерт ҳам бир имтиҳондек гап-да! Дуторни яхши чалолмай, баъзи дугоналаримга кулги бўла-

ҳаяжонда. Ана, Ази пучук бурнини жийирганча ўтиб кетаяпти. Устозимнинг қайта-қайта тайинлашидан тadbирда рақобат кучлигини сездим. Муаллимимизнинг тинчлантириш учун айтётган далдалари бизни баттар ҳаяжонлантирарди. Тиззаларим қалтираётганини сезаяпман: "Ишқилиб, эплай! Узинг уялтирма, худойим!".

Саҳна очилди. Гулноза билан иккаламиз бир-биримизга имлашдик-да, тайёрлаган дастурни бошладик. Биласизми, ижро пайтида ўзимни шундай эркин тут-

## ЯНГИ КУН — ТАҚДИРНИНГ ЯНА БИР ТУҲФАСИ

Янги кўйлак кийганимизда гард юктирмаслик учун авайлаб-эҳтиётлаймиз. Бир қадар атрофга эътиборли бўлиб қоламиз. Янги йилнинг илк кунларида ҳам кўнглимизда шунга монанд бир кайфият ҳукм суради. Янги йилнинг янги саҳифаларини яхшиликлар билан беағимиз келади. Ўтган йили йўл қўйган хатоларимизни такрорлашмасликка ўз-ўзимизга сўз берамиз.

Январнинг дилни покловчи оппоқ қорлари кўнглимизда эски йилдан қолган гиналарни қувиб, ажиб бир мусаффолик бахш этиб бораркан, биз ҳам ўзимизни тоза бир оламага кириб бораётгандек ҳис қила бошлаймиз. Эндиги ҳолатимизга кечаги кайфият, гина-қудуратлар янги либосга тушмаган эски рўмол каби ярашмаслигини, бугун барча-барчаси бошқачароқ бўлиши кераклигини англаб қоламиз. Беихтиёр, истамайгина ортага боқарканмиз, кўнглимиздан шундай надоматли ўйлар ўтади: "Кеча бошқачароқ яшашим мумкин эди-ку!". Кейин ўйларимиз давом этиб, мана бундай хуло-

сага келамиз: "Бўлди, бас. Энди бошқачароқ яшашим керак ва шарт!". Аслида, ўзим ҳам кечагина ҳозирги каби бошқачароқ яшашни орзу қилганман. Кеча ҳам шундай ўжар ўйлар менга тинчлик бермаган. Аммо олдиндаги тайёр излардан юриш беҳавотир ва осон туялган. Кимларгадир билиб-билмай эргашганман. Ўзгаларнинг хатосини такрорлаб бўлса-да, йўлимда давом этганман. Ҳар галгидек исёнкор туйғуларни босиб-янчиб ўтиб кетаверганман...

"Афсус" сўзи, афсуски, ҳамisha кеч ай тилади.

... Азизим, дунёни оқликка чулғаетган Янги йил ҳаётимизда янги бир саҳифа очмоқда. Бу саҳифа кумуш қишнинг оппоқ қорлари каби из тушмаган, мусаффо. Бу бизга тақдирнинг яна бир инояти, туҳфаси эмасми? Эзуликнинг эса кечи йўқ, дейдилар. Ҳаёт давом этар экан, эзгу ниятлар амалга ошиши учун вақт бор, имкон бор...

Ҳидоят ОЛИМОВА

## МЎЪЖИЗА — ЎЗ ҚЎЛИНГДА!

манми? Э, йўқ, устозга мазам бўлмапти, ўша кун келолмайман, деб айтман. Ҳа, худди шундай дейман. Тўхтанг! Агар катнашмасам, куладиганлар баттар устимдан қотишади-ку. Ҳамманинг олдида чалишдан кўрди, ё бўлмаса, аслида, ҳеч нарса билмас экан, дейишмай-дими? Ҳаёлимга бир фикр келди. Анави кун Гулноза бир гап топиб келганди. Ўша ишни қиламиз!..

Шундай хаёл билан худди бир балодан қутулгандай Гулнозани кута бошладим. У қўлида икки варақ оқ қоғоз билан кириб келди. Ўзим ирим-сиримларга ишонмайман. Лекин анави бурни пучук Ази, тўякуш Дили олдида уялиб қолмаслик учун нимадир қилиш керак. Гулнозанинг айтишича, қоғозга тилак ёзиб, ерга кўмиб кўярмишмиз. Ўша ёзувлар ўчиб кетганда орзумиз ушаларкан. Содда дугонам-а, биров айтса, ишонаверади. Камин ҳам бир ишониб, бир ишонмай, унга эргашдим. Биргалашиб тилак ёзган варақчаларни ҳовлимизнинг бир бурчагига кўмиб қўйдик.

Ҳаммаси ўшандан кейин бошланди... Қани, ухлай олмасак. Аввалги ҳаяжон қаёқда дейсиз? Ҳар хил ўйлар миямизни ачитиб юборди. "Қоғозда ёзилган тилак тескарига айланиб қолса-чи?", "Унга ишониб, қовун тушириб қўймаймизми?".

Концертга ён кун бор. Гулнозани яна уйга чақириб, мустақил тайёрланмасак, бир парча қоғозга кунимиз қолса, ҳолимизга маймулар йиғлашини тушунтириб, "дўк" қилдим. Шу кундан каттик тайёрлана бошладик. Айтсам, ишонмайсиз. Биз шундай машқ қилдикки, ўзимда шунча куч борлигига ўзим ҳам ҳайрон қола бошладим. Гулнозанинг ҳам кўнғироқдек овози бор экан, билмай юрган эканмиз. Хуллас, дуторни "тингиллатавериб" уйдагиларни чарчатган бўлсак-да, концертдаги чиқишимиздан сал кўнглимиз тинчигандек эди.

Нихоят, ўша кун ҳам келди. Ҳамма хурсанд. Ҳамма

димки, кўрқув ҳам, ҳаяжон ҳам учиб кетди-ёв. Бутун зал шундай қарсақ чалдики, манаман деган артистлар ҳам бундай олқишни олмаган бўлса керак(ҳазил). Тиззаларимдаги қалтироқ юрагимга ўтди. Мени мактабнинг "Энг яхши созандаси", дугонамни "Энг ёқимли овоз соҳибаси" деб эълон қилишди.

Устозларимизнинг мактови эса неча миллион одамнинг олқишидан баянд эди: "Баракалла, Сизлардан умидимиз катта!".

Уйга келиб, маҳоратим билан ота-онамни ҳам хурсанд қилдим...

Бугун Янги йил. Эрталаб ховлига чиқсам, ҳаммаёқ оппоқ қор. Осмондан ўйнаб тушаётган қор парчаларига қараб туриб, ота-онам соғ бўлишини, мактабни "аъло" баҳоларга битиришни ният қилдим. Дарвоқе, ният дегандай, Гулноза билан қилган ирим-сирим, биз кутган мўъжиза қаёқда қолди? Қаранг, машғулотларга берилиб кетганимиздан "куфсуф"имиз ҳам ёддан кўтарилибди-я!

Оппоқ қорни қўлим билан сидириб, биз мўъжизаларга "қодир" деб ўйлаган хилвираб қолган қоғозларни топдим. Уларда шундай ёзувлар бор эди: "Куйин ҳаммадан яхши ижро этай" ва "Овозим бутун зал бўйлаб жарангласин". Бу баландпарвоз тилакларни ўқиб, мириқиб қулдим. Кейин бу қилган ишимдан уялиб ҳам кетдим...

Дугонам билан тилаган орзумизга етдик. Лекин бу жонсарақ қоғознинг эмас, ўн кун хавотирда машқ қилганимиз — меҳнатимизнинг натижаси эди! Буни ич-ичимдан ҳис этарканман, одам бошқа нарсаларга, ё бўлмаса, ўзга кишиларга эмас, ўз кучига ишониши кераклигини тушуниб етдим.

Янги йилни қаршилашга ошиқаетган қор парчаларига қараб айтилган ниятларим қаторига яна бирини қўшиб қўйдим: "Келаётган йилда ўзимга бўлган ишончимни, албатта, ошираман!".

Соҳиба МУЛЛАЕВА



Бугун ўзгача тонг отди. Камол кўзларини уқалаб ташқарига чиқди-ю, бирданга бақириб юборди:

— Қор ёғибди, қор!

— Устингга кийгин, шамоллаб қолсан, — деган Жамила холанинг гапи оғзида қолди.

Камол уйга атрофини қордан тозалаётган дадасининг

деб эрига танбеҳ ҳам берди.

Сиддиқ ака эса, тахтачани эҳтиётлик билан кўтариб кетаётган ўғлига ишора қилиб, гап қотди: "Бола хурсанд пайт касалланмайди, хотин!".

Камол уйга кириб, опасини бир неча бор қақирди. Лекин Дилором аллақачон

— Сиз яшириб қўйгансиз, қайтариб беринг, — деди у опасининг кулганидан шубҳаланиб.

— Мен текканим йўқ, қорбобонг эриб кетган, Қоравой.

— Нимага?

— Қор иссиқ жойда эриди-да. Стол устидаги сувни кўрмаяпсанми?

## ЙЎҚОЛГАН СОВҒА

ёнига бориб, "Қорбобо ясаб беринг", деб у ён-бу ёнига ўтиб, ишлагани кўймади. Сиддиқ ака ўғлининг кўнглини чўктиргиси келмай, кичик қорбобо ясаб, тахтачанинг устига қўйди. Болакай қорнинг устида худди кўрпачада ўтиргандек чордана қуриб, дадасининг ишини синчковлик билан кузатарди.

— Ўрнингдан тур, зах ўтади, — деди боласига қалин куртқасини олиб келган Жамила хола. — Вой ўлай, қорбобо ясагандан кўра, бундай, ўғлингизга қарасангиз бўлмайди?! —

мактабга кетганди. У қорбобони хонасидаги стол устида қўйди ва яна ўйнагани ташқарига чиқиб кетди. Фанқат тушлик пайти қорни очқанини сездди. Овқатлангани ичкарига кирса, опаси ҳам ўқишдан қайтган экан. Камол унга мактабини исхотаб, қўлидан торқилади:

— Юринг, опа, сизга дадам ясаб берган қорбобони кўрсатаман!

Улар хонага кирганларида стол устидаги тахтача бўш эди. "Қорбобон қани?", деди беш ёшли Камол кўзларини пирпиратиб. Дилором қулиб юборди.

Камол қорнинг эришини билса ҳам, қорбобони эрийдиган деб ўйламаганди. Мунгайиб турганида хонага Жамила хола кириб келди. Камолнинг кўзидаги ёшни кўриб, хавотирга тушди.

— Нима, мазанг бўлмайтими, эрталаб устингга киймай чиққандинг-да, — деди куйиниб.

Бўлган воқеани қизидан эшитганидан сўнг эркато-йининг бошини силаб, Янги йилда эримайдиган қорбобо совға қилишга ваъда берди.

Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА

## ҚОРАҚАЛПОФИСТОНЛИК ТАЛАБАЛАРНИНГ АҲДИ

Мамлакатимиз олий ўқув юрлари ўртасида ўн уч йилдан буён ўтказиб келинаётган Универсиада спорт ўйинлари талабаларнинг истеъдодини юзага чиқариш, эртанги кунга ишонч уйғотиш, улар қалбида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда улкан аҳамият касб этмоқда. Ҳозир республикамизнинг барча ҳудудларида ушбу спорт мусобақаларининг якуний баҳсларига қизгин тараддуд кўрилмоқда.

Нукус шаҳрида мавжуд 5та олий ўқув юрти жамоалари ўртасида баскетбол, волейбол, футбол, кўл тўпи, кураш, белбоғли кураш, сузиш ва енгил атлетика бўйича "Универсиада-2013"нинг Қорақалпоғистон Республикаси якуний саралаш босқичи бўлиб ўтди.

қаршиликларда энг кўп очко тўплаган Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети жамоаси фахрли 1-ўринни қўлга киритди. Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти жамоаси 2, ТАТУ Нукус филиали талаба-спортчилари 3-ўринни банд этди.

### Universiada — 2013

— 2010 йили Андижон шаҳрида бўлиб ўтган Универсиада спорт ўйинларида қорақалпоғистонлик спортчилар умумжамоа ҳисобида 5-ўринни эгаллагани, — дейди жамоа мурабийларидан бири Оллоёр Казаков. — Жорий йилги баҳсларда натижаларни янада яхшилаш имконига эгамиз. Айни шу мақсадда терма жамоа таркибига жалб этилган талабаларимизнинг мусобақаларга жиддий тараддуд кўриши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Тайёргарлик доирасида футбол,

баскетбол, волейбол ва кўл тўпи бўйича Хоразм вилояти жамоаларига қарши ҳудудий саралаш босқичида қатнашиб имкониятларни синовдан ўтказамиз.

Бундай йирик мусобақада муносиб иштирок этиш ҳар қандай талаба-спортчиға кўшимча куч-ғайрат бағишлайди. Қорақалпоғистонлик ёшлар ҳам Бухоро шаҳри мезбонлик қиладиган Универсиада спорт ўйинларида муносиб иштирок этиб, ўз муваффақиятлари билан устоз ва мурабийларини ҳушнуд этишга аҳд қилган.

Азамат ПИРНИЯЗОВ, "Ma'rifat" мухбири



### БУГУН МЕДАЛЛАР ТАРҚАТИПАДИ

Уфа шаҳрида хоккей бўйича ёшлар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида финалчилар номи маълум бўлди. Энди турнир бош соврини учун америкалик ёш хоккейчилар шведларга қарши майдонга чиқади.

Шиддатли ярим финал баҳсида АКШ терма жамоаси канадаликларга рўбарў келди ва 5:1 ҳисобида зафар қўчди. Қизқаркли томони шундаки, икки қўшни мамлакат спортчилари гуруҳ босқичида ҳам ўзаро куч синашган ва унда канадаликларнинг (2:1) кўли баланд келганди.

Ярим финалнинг иккинчи жуфтлигида эса Швеция терма жамоаси русларни мағлуб этишнинг улдасидан чиқди. Шу тариқа канадаликлар энди 3-ўрин учун русларни енгитишга уриниб кўради. Бронза медали учун кенчадиган баҳс ва финал бугун бўлиб ўтди.



## ЯНГИ ЙИЛНИНГ ҚУТЛУҒ ҚАДАМИ



Янги йил аввалида Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) энг кучли шахматчиларнинг бу йилги дастлабки рейтинг жадвалини эълон қилди. Кувонарли томони, унда ҳамюртимиз — 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов жами 2709 очко эвазига 17 поғона юқорилади ва фаолияти давомида илк марта 33-ўринга кўтарилди.

Юртдошимизнинг бундай муваффақиятни қўлга киритишига ўтган йил охирида пойтахтимизда ФИДЕ Гран-присининг иккинчи босқичида қайд этган натижалари сабаб бўлди, дейиш мумкин. Мазкур баҳсларда grossmeysterimiz ўн бир учрашув ўтказиб, бирор марта ҳам мағлубиятга учрамагани эътиборлидир.

Шунингдек, яна бир grossmeysterimiz, Осие чемпиони А.Филиппов 2652 очко билан 95-ўридан жой олди. Бир неча марта Ўзбекистон чемпиони деган юксак шарафга сазовор бўлган Сарвиноз Қурбонбоева ҳам биринчи марта 2135 балл билан 20 ёшгача бўлган шахматчи қизлар рейтингига киритилди.

Австралияда теннис бўйича давом этаётган "Brisbane International-2013" мусобақасида ҳамюртимиз Денис Истомин ҳам ўз омадини синаб кўрди. Янги йилни яхши кайфиятда бошлашга аҳд қилган теннисчимиз чорак финалга қадар етиб бора олди.

Сайёрамизнинг энг номдор теннисчилари қатнашаётган турнирнинг илк босқичида Д.Истомин словакиялик Мартин Клижанни 6:1, 6:2 ҳисобида енгган бўлса, кейин австралиялик таниқли теннисчи Ллейтон Хьюиттни 7:5, 7:5 ҳисобида мағлуб этишга муваффақ бўлди.

Ниҳоят, чорак финал баҳсида ҳамюртимиз биринчи рақамда сараланган машҳур ракеткачи, Лондон олимпиадаси голиби, британиялик Энди Маррейга қарши кортга чикди ҳамда имкониятни бой берди. Аммо тажрибали ҳамкасбига қарши ўтказилган ҳар бир сет Денис учун улкан мактаб вазифасини ўтагани аниқ.



Жаъфар Ирисметов

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) ташкилоти дунё мамлакатлари миллий чемпионатларида фаолият олиб бориб 200тадан кўп гол урган футболчиларнинг янги рўйхатини тузди. Эътиборлиси, ушбу рейтингга киритилган 19 футболчининг 3 нафари ўзбекистонлик чарм тўп усталаридир.

2012 йилги мавсумни Наманганнинг "Навбахор" жамоасида ўтказган Жаъфар Ирисметов бу рейтингнинг 8-поғонасида кўрсатилган. У маҳаллий клубларимиздан ташқари, Греция, Россия, Украина, Беларусь, Хитой ва Қозоғистон чемпионатларида ҳам тўп сурган ва 441 учрашувда 240 гол урган.

Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси шарафини ҳимоя қилган Анвар Бердиев ҳам бу рўйхатда бор. У яқунланган мавсумда 19 гол билан Ўзбекистон чемпионати тўпурари бўлди ва умумий голлари сонини эса 205тага етказди. А.Бердиев жами 433та матчда қатнашган. "Олмалик" аъзоси Зафар Холмуродов эса 379 учрашувда майдонга чиқиб, жами 200та гол уришга эришди.




Зафар Холмуродов

### ЖАМОАВИЙ ҒАЛАБА ШУКУҲИ

Ер шарида қиш фасли ҳукмрон. Ҳаттама ёқ оппоқ қор билан қопланган. Бундай пайтда ихлосмандлар қишки спорт турлари бўйича ташкиллаштирилаётган мусобақаларни ҳаяжон билан кузатишади.

Хусусан, биатлон бўйича Германиянинг Оберхоф шаҳрида ўтказилган Жаҳон қўбоғи босқичининг хотин-қизлар терма жамоалари ўртасида кенган эстафета баҳсида украиналик аёлларга тенг келадигани топилмади. Моҳир биатлончилар: Валентина ва Вита Семеренко, Юлия Жима ва Аяна Пидгрушадан иборат кватрет марра чизирини асосий таъйиғисчи Франция терма жамоасидан 45 сония аввал босиб ўтди. Фахрли учинчи ўрин эса голиблардан 1 дақиқаю 47 сония кечиккан Германия спортчиларига нисбатан эди.



### ПАТО БРАЗИЛИЯГА ҚАЙТДИ

"Милан" ҳамда Бразилия терма жамоаси ҳужумчиси Алешандре Пато ўз юртига қайтишга қарор қилди. Маҳаллий жамоа — "Коринтианс" билан 15 миллион евро миқдоридаги шартномага имзо чекди. Бу ҳақда "Коринтианс" футбол клуби расмий сайти маълумот берди.

Жамоа билан тузилган шартномага кўра, футболчи тўрт йил мобайнида мазкур клуб шарафини ҳимоя қилади. Унга ўзининг севимли "7" рақами берилди.

Милан шаҳрида 2007 йилдан буён яшаётган футболчи "россонерлар" тарихида 150та матч ўтказган бўлса, 63 марта рақиблар дарвозасини ишғол этди. Бир мартадан Италия чемпионлиги ва суперкубогини қўлга киритди. 2009 йили Пато А сериянинг энг иқтидорли ёш футболчисига аталган "Golden Boy" совринига лойиқ кўрилган.

### БРИСБЕНДА ТЕННИС ШОУЛАРИ

Британиялик моҳир теннисчи Энди Маррей Австралиянинг Брисбен шаҳрида давом этаётган нуфузли халқаро турнирнинг ярим финалига йўлланма олди. Мазкур биринчиликнинг умумий ютуқ жамғармаси 430 минг долларга тенг.

Маррей ярим финалда япониялик Кзем Нисикориға қарши кортга чиқади. Кўнчиқар юрт вақили чорак финал баҳсида украиналик спортчи Александр Долгополовни мағлуб этди. Иккинчи ярим финал жуфтлигида болгариялик Григор Димитров ҳамда кипрлик Маркос Багдатис ўзаро куч синашади.

Шунингдек, Брисбенда хотин-қизлар ўртасида ҳам мусобақа ўтказилмоқда. Унда америкалик Серена Уильямс ярим финал масаласини ҳал қилди. У ҳамюрти Слован Стівенсини 6:4, 6:3 ҳисобида енгди. Серена финал баҳсида дунёнинг биринчи рақамли теннисчиси беларуслик Виктория Азаренко билан баҳшлашди.



# ШОДЛИК ТАНТАНАСИ



Атрофда қор парчалари. Оппоқ замин узра сузиб юрибди улар. Бошига салла қўндирган тоғлар мунгайгани сари, қишнинг кумуш зулфларини кўтариб толган, оғир сукутга чўмган табиат соқчилари — дарахтлар онда-сонда умуртқасини ёйиб олгандек керишади. Осмон бағрини "қирғич" дан ўтказайтган Аёз бобонинг қуроли эмасми? Енгилмайди улар, қайсар ва беор. Қалбдаги ниятлар каби оқ. Заминнинг эркатойлари бўлмиш миллионлаб инсонларнинг қалбига ўхшайди бу қорчалар. Айниқса, бола кўнгли янада равшан тортади бу фаслда. Қиш уларнинг ҳаётига янги шодлик, янги дўстлар улашиши билан ўзгача мазмун касб эта боради.

Мактаб ҳовлисида қийқириқлар авжига чиқади. Дунё бутун чиройи билан сингиб кетади жажжи дилларга. Улар билан қорбўрон ўйнашга ҳозирлик кўради гўё. Бир лаҳза болақўнги бўлади у ҳам. Жўр бўлгиси келади дард инмаган қийқириқларга. Қийқириқлар ёшартиради қишни, ҳали қиш ташриф буюрмаган юракларни. Қортўп ясаб, лоладек алвон тусга кирган, қизғалдоқдек майин титраётган жажжи қўлларни чана етаклаиб, кенгликларга чорлайди бу қийқириқлар, бахтли қийқириқлар.

Кенгликлар узра ипак тўқийди чаналар. Узун-узун ипақларга ўралади тепаликлар. Ҳа, бола қалби қишни ижодкорликка ундайди. Бунда ҳар хилқат ўзича нималардир яратади, кашф этади. Биргина ранг билан борликқа чирой бериш мумкинлигини исботлайди қиш. Моҳир рассомга айланади у. Завқ-шавқ улашаркан, вужудин дилларнинг бахтиёр шуъласида қайта ва қайта тоблайти. Қиш шу тобда барчага болалик сурурин, байрамлар шуқуҳин улашади.

Баҳодир ҲАЛИМОВ

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

**Ma'rifat**

**TA'SIS ETUVCHILAR:**

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:  
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta  
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



9 772010 641009

INDEKS: 149, 150. G-118.  
Tiraj 69080.

Hajmi 4 bosma taboq.  
Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib boshish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.  
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kash-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar:  
Malohat TOSHOVA,  
Lilya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:  
Qurbonboy MATQURBONOV.

Navbatchi:  
Jo'rabek JANGIROV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi boshmaxonasi.

Korxonada manzili:  
«Buyuk Turo» ko'chasi, 41-uy  
U/A yuani — 20,25  
Topshirildi — 21,20